



# Қулай ва жозибадор бизнес муҳити — тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Навоий шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нурунийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб берди.


Қайд этилганидек, Навоий вилояти юртимиз саноатининг мустаҳкам устун бўлиб, унинг 10 фоиз маҳсулотини таъминлайди. Ислохотлар натижасида ўтган йили вилоятда инвестициялар 1,8 баробар, қурилиш ишлари 28 фоиз, хизмат кўрсатиш — 12 фоизга ўсган. Шунингдек, қарийб 1 триллион сўм инвестиция ҳисобига 420 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилган.

Йиғилишда мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Вилоят иқтисодиёти асосан бир неча йирик корхонага боғлиқ бўлиб қолгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарли даражада ривожланмагани қайд этилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериш учун шундай қулай ва жозибадор бизнес муҳитини яратиш керакки, нафақат маҳаллий, балки бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам бу ерга келиб, тадбиркорлик билан шугулланишга интилинсин. Бошқача айтганда, Навоий вилояти — тадбиркорлар вилоятига айланиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятини экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни таклиф қилди. Қайд этилганидек, бунинг учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия тузилиб, мазкур иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими белгиланади.

Йиғилишда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги замонавий корхоналар



ташқил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 та инвестиция лойиҳасидан иборат дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Мазкур дастур доирасида 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, 17 минг 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, Навоий иссиқлик электр станцияси, "Қизилқумцемент", "Навоийазот" акциядорлик жамиятлари ва бошқа тармоқларда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Биринчи навбатда, Нурота, Хатирчи, Томди, Конимех каби ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда янги саноат корхоналарини ташқил этишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Нурота туманидаги Ҳозор посёлкасида шаҳар мақомини бериб, уни пардоз тошлари қазиб олиш ва ишлов беришга ихтисослашган саноат шахрига айлантириш таклифини илгари сурди. Гранит ва бошқа пардоз тошларини саноат усулида қазиб олиш, ишлов бериш ва тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат кластер ташқил этиш бўйича қиймати камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги имкониятларни ҳам таҳлил қилиб, пахтадан бўшаган майдонларда бозорбоп мева-сабзавот етиштириш, вилоятда томорқалардан самарали

фойдаланиш ҳисобига қишлоқ аҳолисини банд қилиш ва даромадини ошириш, томорқаларга экин экишни давлат сиёсати даражасига кўтариш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қорақўл тери тайёрлашни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича топшириқлар берди.



Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ҳаёти сифатини, инвестиция иқлимини, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат хизматлари марказларида аҳолига тез, сифатли ва кенг турдаги давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишди.

Марказда электрон навбат тизими жорий этилган, фуқароларга 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Нотариал хизматлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, паспортни расмийлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва бошқалар шу ернинг ўзига амалга оширилади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида болалар майдончаси, кафе, мутолаа хонаси, бепул Wi-Fi алоқаси ташқил этилган. Бу ерга келганлар улардан фойдаланиб, кутиш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин.

Марказга келолмайдиган ҳамда олис овул ва қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун махсус транспортларда жойларга чиққан ҳолда хизмат кўрсатилади.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, бундай марказларда асосий мақсад фуқароларни давлат идоралари фаолиятдан рози қилиш экани-

ни таъкидлади.

Давлат хизматлари марказларида энг асосий талаб — муомала маданияти бўлиши керак. Бу ерга келган ҳар бир инсон муаммосига ечим, саволига жавоб топиши лозим. Барча ҳаракатларимиз ана шу мақсадга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Халқ қабулхонасининг марказдаги бўлимига кириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Аҳоли қандай масалалар бўйича мурожаат қилаётгани билан қизиқди.

Шу ерда Навоий вилоятида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хунармандчиликни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдими ўтказилди. Хусусан, эксперимент тарикасида "Навоий — тадбиркорлар вилояти" лойиҳаси амалга оширилади. Бунда қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда давлат божи икки баробар камайтирилади. Қатор хизмат кўрсатиш соҳаларига имтиёзлар берилди.

Президентимиз давлат хизматлари марказда тадбиркорлар учун хизмат турларини кенгайтириш, хусусан, уларга ер ажратиш, қурилишга рухсат олиш каби жараёнларни интеграциялаш бўйича қўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги

## УШБУ СОНДА:

ҚАЙСИ ЗАМОНДА ИЖОДКОРНИНГ АЁЛИ БУГУНГИДЕК ҚАДР ТОПГАН ЭДИ?!

2



## АНДИЖОНЛИКЛАР АНОЙИ ЭМАС

Андижон шароитида аҳоли томорқаларидан бир йилда уч марта ҳосил олиш бўйича муайян тажриба тўпланган.

4



## КУТИЛМАГАН "САЙР"

Бир қоидабузарлик ЙПХ ходимининг ҳаёти учун қанчалик хатарли?

5



## БАҲОРГА ЕТГАНЛАР ОМОН БЎЛСИНЛАР!

8



## Муносабат

**Ханифа МУСТАФОЕВА,**  
“Фидокорона хизматлари учун”  
ордени соҳибаси:



Ўша кунлари Америка Қўшма Штатларида эдим. Кенжа кизим Рухсора телефон қилиб, Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Тошкентда ўтказилаётган нуфузли анжуманга мени таклиф этишганини айтди. Одатдаги йиғилишлардан бўлса керак-да, деб ўйлаб, “Болам, мен сафарда бўлсам, яхшиси, ўзинг катнаша қолгин”, деб жавоб бердим.

мулжам бўлган юзлаб аёлларимиз қалбини фахру ифтихорга тўлдирди, десам муболага қилмайман.

Дарҳақиқат, ҳаётда қутилмаган ўзгариш, мўъжизалар ҳеч қачон ўзидан содир бўлмайди, уни инсон ўз қўли, ҳалол меҳнати билан яратди. Шавкат Мирзиёев буюк қалби, фидойилиги, халқларварлиги туфайли бугун ана шундай мўъжизани яратмоқда, ҳаётимизда туб бурилишлар ясамоқда. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро, у ким, қайси миллат ва элат, қайси касб соҳиби эканлигидан қатъи назар, ҳаётда инсон сифатида қадрланиб яшагача ҳақли эканини юракдан ҳис этапти. Кейинги икки йилдан кўпроқ мuddат орасида олиб борилаётган улкан ислохотлар қисқаргани вақтда ўз ҳосилини бераётганини, ақл бовар қилмас ўзгаришларни кўзи очик, ақли бутун ҳар қандай киши бугун кўриб, билиб, чин юракдан ҳис этиб турибди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, Абдулла ака ишдан бўшаб, 7 йил уйда

## Қайси замонда ижодкорнинг аёли бугунгидек қадр топган эди?!

Орадан кўп ўтмай, Илҳомжон кўнгирак қилиб қаттиқ тайинлади: “Йуқ, ойижон, бу тadbирда шахсан ўзингиз қатнашмасангиз бўлмас экан”...

Очиги, қутилмаган бу хабарни эшитиб аввалига ҳайрон бўлдим ва охири бежиз йўқлашмаётган бўлса керак, деган ўйда шундоғам соғиниб юрган юртимга имкони борича тезроқ қайтишга чоғландим. Келсам, таниш-билишларим суюнчи олишди: муҳтарам Президентимиз фармонига биноан мен “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланибман...

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ўша кунни йиғидан ўзимни тийламадим. Бутун умрим, гоҳи бахтли, гоҳи бахтсиз кечган дамлар, Абдулла ака иккимизнинг бошимиздан ўтган синови йиллар, шоирнинг қалб жароҳатларига малҳам бўлмоқ учун қилган чексиз ҳаракатларим, ижод машаққатларини мардона энгиб ўтишга кўмақдош бўлганим... ҳамма ҳаммаси кўно лентасидек кўз олдимдан бир-бир ўтаверди. Эсимда, Абдулла Орипов Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан

тақдирланганида ҳам ана шундай руҳий ҳолатга тушган эдим. Заҳматли меҳнатларинг самарасини кўришдек бахтли лаҳзалар одамга жуда бошқача таъсир қилар экан.

Тақдиримга минг бора шукрки, ҳар бир ўзбек оиласида бўлгани каби умр йўлдошим, Оллоҳ юқтирган ноёб истеъдоди билан халқнинг энг азиз инсонларидан бирининг сўнги нафасига қадр елкадош, сирдош бўлдим. Ҳеч бир миннатсиз у кишининг иссиқ-совуғига қарадим, яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам доимо ёнида турдим. Баъзан бемор бўлиб ётиб қолганида ёки шундай кунлариям кўрдим, ҳатто қоғоз қоралашга мадори етмай мадада муҳтож бўлганида, у киши шешларини озгаки айтиб турсалар, мен оққа кўчириб ёзардим... Бундай рутубатли кунларни унутиб бўладими?

Лекин, ўзимнинг аёллик, оғалик бурчим, вазифаларимнинг бир кун келиб шундай юксак даражада эътироф этилишини, ҳатто давлатимиз миқёсида юксак мукофотга лойиқ кўрилишини тасаввур ҳам қилмаган-

дим. Қани айтинлар, қайси бир замонда ижодкор зотининг аёли бизга тушимизга кирмаган воқеалар-да бу!

8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан пойтахтимиздаги муҳташам “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар залида ўтказилган тантанали байрам тadbиринида шахсан Президентимизнинг ўзлари шарафли ордени кўксимга тақиб кўяр эканлар, қулиб, “Сизни Америкадан ҳам қақиртириб олдимки?” деганлари мени ҳаяжонлантириб юборди. Тасаввур қилайлик, ахир, давлат раҳбарининг шунча ташвиш-ошушлари бўла туриб, мени, бир шоирнинг умр йўлдошини дунёнинг нариги бурчаги – океанортдан етиб келишларигача эътибор қаратгани юрагимга таскин, мадад бўлмайди? Юртбошимизнинг ушбу тadbирда: “Ўзининг илмий ва адабий мактабини яратган улкан олим ва ижодкорларнинг рафиқаси бўлиш осон эмас. Буни билган билди, билмаганлар билиб қўйса, фақат фойда бўлади”, деган пурмаъно сўзлари шу залда, бир даврада жа-

ўтирганларида ҳам ҳар йили Наврўз байрами – у кишининг таваллуд топган кунларида, қолаверса, давлатимиз мадҳияси қабул қилинган кун – 10 декабрда ҳам Шавкат Миромонович номидан уйимизга табрикнома, совға-саломлар келиб турарди. Бундай самимий эҳтиром ва эътибордан у кишининг қувончдан бошлари осмонга етарди. Баъзан кўзларига ёш олиб, “Яхшиям шундай инсонлар бор экан, сира юким ерда қолмайди”, дердилар.

Эзугликнинг, яхшиликнинг умри боқий бўлади, деганлари рост. Бунинг исботини ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу вақтгача давлат томонидан адиб ва шоирларимизнинг умр йўлдошлари мукофотлар билан тақдирланганини ким эшитганди? Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Юсуф ва бошқа ижодкорларнинг аёллари, оила-эъзоларига кўрсатилган бундай эъзоз, эҳтиром замирида улўв халқимизнинг бебаҳо бағрикенглиги, меҳр-муҳаббат итибди.

Алишер НАЗАР ёзиб олди.

## Айём арафасида

## Кўп қиррали ҳамкорлик

Бухоро муҳандислик-технология институти ва Германиянинг “Кнауф гипс Бухоро” компанияси томонидан мазкур таълим муассасаси биноси олдида барпо этилган ҳамкорлик боғида бир қанча мевали ва манзарали даракт кўчатлари ўтказилди. Қарағай, тут, настарин, қора арча, акация сингари дов-дарактлар ҳадемай боғ кўрқига кўрк қўшади.

Наврўз байрами арафасида ўтказилган мазкур экологик акция институт жамоаси билан хорижий компания ўртасида мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ва пардозлаш ишлари технологиясини ривожлантириш бўйича имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида амалга оширилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни мустақил ҳаётга йўллаш имконини бераётганини қайд этиш зарур.

Хусусан, келишувга мувофиқ гипсокартон қопламлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона олий ўқув юртининг таълим йўналишидаги режаларни амалга оширишда зарур бўладиган маҳсулотларни етказиб берапти, шунингдек, инновацион материаллар ва технологияларни қўллаш билан боғлиқ назарий ва амалий машғулотларни ўтказаяпти.

Асхор ИСТАМОВ,  
“XXI asr” мухбири

## Депутат минбари

## Янги қарордаги меъёрлар

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир



**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ўзбекистон кейинги йилларда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича катта муваффақиятларга эришди, десак муболага бўлмайди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар самарасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада сўз юритар эканмиз, энг аввало, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишларга атоқлича тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда ўтган давр мобайнида хотин-қизлар манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилган 100 га яқин миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинганини ҳам ёдда тутиш даркор.

БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенцияларини Марказий Осиё минтақасида биринчилардан бўлиб ратификация қилган давлат ҳам Ўзбекистондир. Жумладан, “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”, “Оналикни муҳофазаси қилиш тўғрисида”, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги ва бошқа ҳужжатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Конституциямизда аёлларнинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган бўлиб, 46-моддада эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти бир ҳафта олдин имзолаган “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса аёлларга нисбатан мавжуд муносабатларда янги босқични бошлаб беришга қаратилгани билан долзарб ўрин тутди.

Мазкур қарорга мувофиқ, хотин-қизлар меҳнати муйайин соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақлиқларнинг бекор қилиниши, аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхатининг тасдиқланиши, қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парвариллаш таътили берилиши, икки ёшга тўлмаган фарзанди бор оналар учун ўзига қулай вақтда танаффус

белгиланиши, 60 ёшга қадр пенсия ёшидаги аёллар билан ёки мuddати тугагунга қадр иш беворчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг тақдирланиши, судларда адвокатлар томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ енгилликлар яратилди.

Сўнгги икки йил давомида депутатлар ва турли даражадаги ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш орқали минглаб ишсиз хотин-қизлар аниқланди. Худудларнинг имконияти ва хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг қисман бандлигини таъминлашга, тadbиркорлик фаолиятини бошлашига, хунармандчиликка жалб қилишга ҳаракат қилинди. Лекин бу билан қутулган натижага эришилди, деб айта олмаيمиз. Янги қарорга кўра, “Хотин-қизлар тadbиркорлик марказлари”нинг ташкил этилиши аёлларнинг ўз бизнесини бошлаши ва уларда ишбилармонлик кўникмаларининг шакллантирилиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватланишининг самарали, механизми сифатида хизмат қилади.

Бундай марказлар томонидан ишбилармон аёлларга маҳалларда бўш турган билнолардан жой ажратилиши, ишончли ҳамкорлар топиши, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашадиган тортиб, токи ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш масалаларининг қамраб олингани ола-сингилларимиздаги иккиланишларни барҳам топтириб, эртанги кунга катта умид ва ишонч уйғотади.

“Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси қўйилгани ҳам муҳим қадамлардан биридир. Эътиборли жиҳати шуки, хотин-қизлар меҳнати ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилган мазкур қарор тadbиркор аёллар сонини кўпайтиришга шубҳа йўқ. Биз, яъни барча даражадаги депутатлар эса жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, турли жаҳдаларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига самарали парламент назоратини олиб бориш, янги ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда масъулмиз.

## Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес-форуми

Пойтахтимизда 13 март кунини Ўзбекистон – Қозоғистон тadbиркорлари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тadbир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида мавжуд савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди. Унда икки мамлакат тегишли вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиёт-

ни либераллаштириш, тadbиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ташкил этилган В2В форматдаги учрашувларда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, саноат, ишлаб чиқариш, транспорт ва транзит соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиздан Қозоғистонга табиий газ, мева-сабзавот, полиэтилен, тўқимачилик маҳсулотлари, турли металл ва минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда. Ўз навбатида, Қозоғистондан қора металл, нефть маҳсулотла-

ри, оҳақ, цемент, алюминий, пахта ва соя ёғи, дон ва дон маҳсулотлари импорти йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда икки давлат капитали иштирокида 290 га яқин қўшма корхона фаолият юритади. Қозоғистоннинг 16 та компанияси Ўзбекистонда ваколатхонасини очган. Ҳамкор давлат худудида мамлакатимиз резидентлари иштирокидаги 199 та қўшма корхона, савдо уйлари ташкил этилган.

Бизнес-форумда икки давлат ишбилармон доира вакиллари ўртасида ҳамкорлик, қўшма лойиҳаларни амалга оширишига доир қатор келишувларга эришилди.

Зухра МИРЗАБОВЕВА,  
ЎЗА мухбири

## Россия тadbиркорлари мамлакатимиз ипакчилик саноатига қизиқиш билдирмоқда

“Ўзбекипаксаноат” уюшмасида 13 март кунини Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ва Россиянинг “Комбат-Тур” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда икки мамлакатнинг туризм, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, ипакчилик соҳасида фаолият юритаётган корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Дунёда пилла етиштиришга ўзига хос фаолият тури сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам Президентимиз раҳбарлигида ушбу саноат соҳасини янада ривожлантириш,

ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни сифатли ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сифатли уруғлик етиштириш борасида “Йўл харитаси” тасдиқланган. Унда ипак курти уруғини етиштиришга на ва солиқ ислохотларининг амалга оширилаётгани, виза тартибидеги ижобий ўзгаришлар хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга, – деди россиялик ишбилармон Александр Чуранов. – Форум доирасида пилла йиғириш, ипак қазлама тўқиб дастхотларнинг эътиёт қисмлари, тут даракти кўчатлари, ипак куртининг супер-элита, элита ва саноат уруғларини Ўзбекистонга олиб қилишга яратилган имтиёзлар ҳақида сўзлаб берилди. Ташриф доирасида ипакчилик ва сайёҳлик соҳа-

мерия воситалари, ипак курти гўмбагидан ёғ ишлаб чиқариш, туризм, касаначилик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришга оид истиқболли лойиҳалар бўйича маълумотлар тақдим этди.

Мамлакатингизда боҳжона ва солиқ ислохотларининг амалга оширилаётгани, виза тартибидеги ижобий ўзгаришлар хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга, – деди россиялик ишбилармон Александр Чуранов. – Форум доирасида пилла йиғириш, ипак қазлама тўқиб дастхотларнинг эътиёт қисмлари, тут даракти кўчатлари, ипак куртининг супер-элита, элита ва саноат уруғларини Ўзбекистонга олиб қилишга яратилган имтиёзлар ҳақида сўзлаб берилди. Ташриф доирасида ипакчилик ва сайёҳлик соҳа-

сида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилди.

Икки давлат тadbиркорларининг мулоқот майдонига айланган форум доирасида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазма савдоси ва миллий либослар намойиши ўтказилди.

Анжуманда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, инвесторларни жалб қилиш ва илгор хорижий тажрибани омма-лаштириш бўйича тақдимотлар намойиш этилди. Туризм, қишлоқ хўжалиги, текстиль ва ипак саноатида фаолият юритаётган Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари иштирокида В2В форматдаги учрашувлар ўтказилди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири

# Савол кўндаланг қўйилади: “Фаол ва нофаолларни қандай ажратиш мумкин?”

Турли йўналишдаги мажлисларда, анжуману семинарларда “уюлмаган ёшлар” иборасининг қўлланилиши кўпчиликка эриш туюлади ва юзлаб саволлар ёғдирилади: кимлар ё қайси қатлам назарда тутиляпти? Улар нега уюлмаган (ёки уюштирилмаган)? Уюшган ёшлар қайсилар ва уларнинг бошини ким қовуштирган? Уюшган ва уюлмаганларнинг фаркли жиҳатлари нималарда акс этади ва ҳоказо-ҳоказо.

Бугун худди ана шу тарзда яна бир таърифга – “фаол депутат” атамасига турфа эътирозлар билдириляпти. Уларнинг фикрича, “фаол депутат” деган сўзнинг шарҳловчи ёхуд мухбир “нофаол”ларга ҳам албатта мисол келтириши даркор. Йўқса, мазкур мулоҳаза аҳамиятсиз, кемтик, тугалланмаган бўлиб қолаверади. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу чиндан-да муҳоказамга арзийдиган мавзу экани ойдинлашади. Уни “фаол ва нофаол ходим” шаклида ҳам исталган идора тажрибасида кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, ҳар нарсани ўз номи билан очик айтиш одатга айланмаган жамиятда таракқиёт йўлида жуда кўп тўсиқлар вужудга келиши кундек равшан.

Келинг, жайдари фалсафани чўзмасдан саволни кўндаланг қўййлик: нега нофаол депутатларни нафақат журналистлар, балки парламент аъзоларининг фаолиятини мониторинг қилиш эвазига ойлик маош оладиганлар ҳам санаб бера олмади? Бу саволнинг жавобини шунчаки андиша ёки ўзбекчиликка йўйиш мантиқсизлик бўлур эди.

Бизнингча, “нофаоллар”ни ажратишнинг имкони йўқлиги чорасизликка, фойдали иш коэффициентининг атрофлича таҳлили ва комплекс мониторингининг сустлигига бориб тақалади. Очирок айтилган бўлса, фаолларни хоҳлаганча макташ мумкин – катта-кичикка ёқаверади. Инсон руҳияти шунақа. Бироқ “сиз нофаолсиз” деганлардан эса ўша нофаол исбот талаб қилади. Аниқ далиллар келтиришни сўрайди. Энг қизиғи, аксарият ҳолларда ўзи хақидаги вазиятдан ўзи қониқмай шаън ва қадр-қиммат масаласини кўтариб, тегишли органларга мурожаат йўллайди...

Кейинги бош оғриқларни ҳамма билади. Шунинг учун бўлса керак, барча бўғинлардаги раҳбару мутасаддилар фақатгина “фаол”ларни санаш билан чеklangани. Лекин биз мазкур тамойилдан бироз чекинган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоларидан фаолларини ажратиш фикридан йироқмиз. Зотан, уларнинг фаолиятига энг холис баҳони сайловчилар беради. Нофаоллар эса табиий равишда элнинг назаридан қолиб кетаверади. Яна бир томони – фаол ва нофаолни аниқлайдиган мезон-механизм ҳам мавжуд эмас.

Газетамизнинг аввалги сонларида парламент қўйи палатасидаги депутатларнинг жойлардаги учрашувлари самаралари, айни пайтдаги амалий ишларига қатор мисоллар келтириб, қандай ҳолоса чиқаришни ўқувчининг ихтиёрига ҳавола қилгандик. Бу гал ҳам ана шу анъанамизга содиқ қоламиз.

25 837 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи 36-сонли қишлоқ оилавий поликлиникадан туман марказигача бўлган масофа 32 километри ташкил этса-да, йўлнинг бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолгани туфайли “Тез тиббий ёрдам” машиналари ушбу масофани 1,5-2 соат давомида босиб ўтади. Бу аҳоли оғир беморларни туман марказидан шифохонага шошилинч олиб боришда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

**Иккинчи масала.** Маҳалла қишлоғига ўтиш жойида Бойсун-Оққапчиғай сойи мавжуд бўлиб, ундан баҳор ва ёз ойларида жала натижасида ҳосил бўладиган катта миқдордаги сел оқиб ўтади ҳамда Сурхон сув омборига бориб қуйилади. Ушбу сой устида 2009 йилгача аҳоли ва транспорт воситалари учун кўприк бўлган. Аммо кейин кўприкни сел бузиб кетган. Маҳал қишлоғи ва Ариқошан маҳалласи аҳолисининг асосий қисми ҳамда уларнинг 276 нафар фарзанди ушбу сойдан ўтиб, мактаб ва коллежларга боришади. Бугун кўприк йўқлиги туфайли аҳоли жабр кўриб, турли фожеалар юзга келаётгани алоҳида таъкидланди.

**Учинчи масала.** Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида юқлатилган вазифалар ижроси муҳоказаси юзасидан 2018 йил 8 ноябрь кунини вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш баёни қарор қисмининг 24-бандида Кумкўрган туманида кўп миқдорда сел келишидан зарар кўрган ҳудудлардаги кўприкларни тиклаш учун Республика йўл жамғармасининг табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобидан 3 миллиард сўм ажратилиши белгиланган бўлса-да, ушбу маблағ бугунги кунгача ажратилмаган ва кўприк қурилиши бошланмаган.

Муродилла Турсунов мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари номига депутат сўрови юборди.

## Жанубда “тез ёрдам”чилар нега кечикяпти?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Муродилла Турсуновнинг Сурхондарё вилояти Кумкўрган тумани сайловчилари билан учрашувида аҳоли вакиллари бир қатор масалалар юзасидан мурожаат қилишди.

**Биринчи масала.** Давлат аҳамиятига молик 4 Р-105 автомобил йўлининг 70-89 километрлари 1970 йилларнинг охирида ишга туширилган бўлиб, қарийб 50 йилдан буён таъмирланмаган. Натижада ушбу автомобиль йўли юриб бўлмас ҳолатга келиб қолган. Ҳўқирли маҳалласида жойлашган ва ҳудуддаги 9 та маҳаллада яшовчи

*Баъзилар ижтимоий тармоқлар, ТВ ва матбуотда тез-тез кўриниш берадиганлар, айримлар эса қайси мавзу бўлишидан қатъи назар, у ёки бу гапни айтадиган депутатларни фаоллар қаторига қўйишади. Учинчи тоифадагилар эса ҳар икки нуқтаи назарни нотўғри ёндашув оқибати деб ўйлайди. Камтаргина фаолият кўрсатиб ҳам талай амалий натижаларга эришяётган депутатлар қўйишни айтишади.*

*Ҳўй, сиз қандай фикрдасиз? Сиз сайлаган, катта ишонч билан овоз берган депутатингиз фаолми ёки аксинча? Вакиллик органларига навбатдаги сайловлар тобора каттиқроқ эшик қоқяётган, шу қўнларда ҳар бир онгли киши ана шу саволга аниқ жавоб топиши мақсадга мувофиқ, назаримизда.*

Озод РАЖАБОВ,  
“XXI asr” мухбири

## Сайловчиларнинг сўровлари кўп

Олий Мажлис депутати Гулшана Худоберованинг электротар вакиллари билан навбатдаги мулоқоти Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов ижод мактабиде ўтказилди. О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Маънавий ва маърифат маркази Қашқадарё бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Фарзанд тарбиясига масъулиятсизликнинг салбий оқибатлари”га бағишланган семинарда иштирок этиб, “Ёшлар ва замон: муаммо ва ечимлар” мавзусида маъруза қилди. 400 дан ортиқ битирувчи синф ўқувчилари ва ота-оналар томонидан берилган 40 дан ортиқ саволга жавоб қайтарди.

Шундан сўнг депутатимиз Косон туманидаги Регзор, Аралик, Равот қишлоқ врачлик пунктларида мавжуд шарт-шароитларни ўрганди. Бу ҚВПларнинг қамрови оз эмас-кўп эмас 12 минг кишини ташкил этади. Шу ҳудудда яшовчи фуқаролар (Нигора Қурбонова, Шоира Рўзиева, Нилуфар Бобоқуллова) О‘зЛиДеР фракцияси аъзосига фарзандларининг соғлигини асраш билан боғлиқ муҳим масала юзасидан мурожаат қилишди. У ҳам бўлса, “Гепатит А”га қарши вакцина ҳозирги кунда 160 минг сўмдан сотилаётгани, 3-4 нафар боласи бор оила-

лар буни олишга қийналаётганидир. Натижада 14 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 70 фоизи эмланмасдан қолиб, инфекция касалликлар кўпаймоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Г.Худоберова бу масалани чуқур ўрганиб, оқилана ечим топиш юзасидан аниқ таклиф тайёрлашга киришди.

Косондаги яна бир мурожаат эътиборимизни тортди. Маълум бўлишича, “Юксалиш” МФЙ ҳудудиде яшовчи Х.Х. биринчи турмушидан расмий ажралмасдан, иккинчи турмушга чиққан ва фарзандли бўлган. Аммо биринчи эри “Бола меники”, деган рўқча билан чақалоққа оталик белгиланиши ва гувоҳнома расмийлаштирилишига тўсиқлик қилган. Хужжатсиз эса туғруқхонадан чиқиб бўлмайди.

Депутат туман ФХДЕ бўлими, ИИБ ва прокуратура ходимлари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида масалага ечим топилди. Х.Х. жигарбандига гувоҳнома олиб, туғруқхонадан 12 кун деганда чиқарилди...

## Водийларни яёв кезганда

Фаргона вилоятидан сайланган депутат Одинахон Жамолдиновнинг галдаги учрашувларида Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожа-

атномаси, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида парламент қўйи палатасининг иштироки ва масъулияти ҳақида сайловчиларга кен ахборот берилди.

Асосий эътибор туманларда тадбиркорликни ривожлантириш, тижорат банклари хизматлари сифати, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ўрганиш, янги иш ўринларининг яратилиши, бандлик муносабатлари, меҳнат бозоридаги аҳвол, пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлиниши, тиббиёт ҳамда таълим соҳасида хусусий сектор вакилларига яратилаётган шароитларни ўрганишга қаратилди. Албатта, эришилаётган натижалар қувонарли, лекин ечимини кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳам талайгина.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналари ишга туширишда канализация тармоғи йўқлиги тадбиркорлик фаолиятини юритишга тўсиқлик қилаётгани, деҳқон ва буюм бозорларида санитария-гигиена нормаларига риоя этилмаслиги ҳолатларининг мавжудлиги, ўқувчиларнинг таълим муассасаларига қатновиде хавфсизликнинг тўлиқ таъминланмагани, аҳолига суюлтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказиб беришдаги узиллишлар шулар жумласидандир.

Аҳолини энг кўп ташвишлантираётган масалалардан яна бири, бу оиланинг даромад манбаи бўлган томорқалардан самарали фойдаланишда дуч келинаётган қатор қийинчиликлардир. Айрим фуқаролар бир неча йиллар олдин уй-жой қуриш учун ҳеч қандай ҳужжатларсиз ер сотиб олгани боис бугунги кунда яшаш учун тайёр ҳолга келтирилган иморатини кадастрдан ўтказиш масаласида муаммоларга дуч келаётганини айтиб, амалий ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилмоқда.

Депутатимиз хусусий тиббиёт муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар билан танишди. Масалан, “Яккатут” МФЙ ҳудудиде иш бошлаган хусусий стоматология шифохонаси хизматидан аҳоли мамнун. Ёш тадбиркор Мирзохид Абдумуталов томонидан энг сўнги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. Энди у фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида тиббий диагностика хизматини кўрсатиш маркази учун қиймати 400 миллион сўмлик лойиҳасини тайёрлаб имтиёзли кредит олиш учун мурожаат қилганини маълум қилди. Унинг мурожаати юзасидан амалий чоралар кўрилди ва ижроси назоратга олинди.

# О‘зЛиДеРнинг 2018 йил бюджет ижроси ва 2019 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида АХБОРОТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йил 15 ноябрда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 3 декабрда давлат рўйхатидан ўтказилди ва 2006 йил 18 январда 563-ш-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Партия ўз молиявий-ҳўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида” ги Низомига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари худудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқароларнинг хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2018 йил 1 январь ҳолатига партиянинг ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлар 8 млрд. 738 млн. 283 минг сўмини ташкил қилган. 2018 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 26 млрд. 924 млн. 462 минг сўм келиб

тушган, жумладан, давлат бюджетидан 22 млрд. 665 млн. 895 минг сўм, аъзолик бадалларидан 4 млрд. 026 млн. 459 минг сўм, ҳомиёлик ва хайрия ёрдамларидан 42 млн. 316 минг сўм, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад 141 млн. 964 минг сўм ва бошқа тушумлар 47 млн. 828 минг сўмини ташкил этган.

Партиянинг 2018 йилдаги Устав фаолиятини амалга оширишга қаратилган харажатлар 31 млрд. 772 млн. 449 минг сўмини ташкил этди, жумладан, партиянинг ижро этувчи аппарати таъминоти учун жорий харажатларга 27 млрд. 733 млн. 502 минг сўм, партия аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш учун 694 млн. 112 минг сўм, партия фаолларини ўқитишга қаратилган семинар ва тренинглар ўтказиш учун 171 млн. 404 минг сўм, конференция ва съездлар ўтказиш учун 1 млрд. 228 млн. 110 минг сўм, партиянинг мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари учун 1 млрд. 945 млн. 365 минг сўм сарфланди.

Партиянинг банк ҳисобварақларида 2019 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ маблағлар 3 млрд. 890 млн. 296 минг сўмини ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига партиянинг ҳарид қилинган ва хайрия ёрдами сифатида қабул қилинган асосий воситалари 12 млрд. 448

млн. 386 минг сўмини ташкил этди.

2019 йилда партия бюджет ижроси 34 млрд. 974 млн. 340 минг сўмини ташкил этилиши қутулмоқда, шундан 25 млрд. 624 млн. 044 минг сўм давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 5 млрд. 200 млн. сўм аъзолик бадаллари маблағи, 43 млн. сўм хайрия ёрдами маблағлари, 142 млн. сўм тадбиркорлик фаолиятидан келиб тушадиган маблағлар ва 3 млрд. 890 млн. 296 минг ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағлардир.

Партиянинг 2019 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилди. Партиянинг ижро этувчи аппарати жорий харажатларга 85 фоиз, партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатишга 0,1 фоиз, партия аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатларига 1,7 фоиз, партиянинг конференциялари, съездларини ўтказиш харажатларига 1,6 фоиз, партия фаолларини ўқитиш, улар билан семинарлар, тренинглар ўтказиш харажатларига 3 фоиз, партиянинг мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларини тўлашга 8,5 фоиз ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир ва бошқа харажатларга 0,1 фоиз.

## Саховат

Ёшларнинг яхши тарбия қўриб улғайган киши инсонларга наф келтиришга, зарарни эса даф қилишга интилади. Ҳаммага яхшилик соғиниш халқимизга хос фазилатлардан. Ана шундай саховатпеша юртдошларимиздан бири, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, О‘зЛиДеР Бектемир тумани Кенгаши раиси Фурқат Қаландаровдир.

– Ҳаётда нималар бўлмайди. Соппа-соғ юрган инсон бир кунда бемор, тўкин-сочин яшаётган оила ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши мумкин. Бу каби мураккаб умр кечмиш-



# Бола қалби яхшиликни унутмайди

лари барчамизнинг кўз ўнгимизда юз бермоқда, – дейди Фурқат Қаландаров. – Лекин, минг афсуски, баъзи одамлар орасида меҳр-оқибат тушунчалари бир қадар кўтарилиб, ҳатто яқинлари, дўст-биродарларига эътибор кўрсатиш учун фурсат тополмайдиган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлиб қоламиз.

Биз партиямиз фаолиятининг ташаббуси билан амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида кўп бора эшитганмиз. “Унг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” мақолига амал қилиб иш кўрадиган Фурқат Қаландаров бу ҳақда гапиршни истамади. Шундан сўнг Бектемир туманидани 574-кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаси томон йўл олди.

– Бу ерга асосан 2 та ташхис билан беморлар келади, шу болаларнинг аксарият қисмини даволатиш учун ҳомиёлар ёрдамига эҳтиёж сезамиз, – дейди муассаса мудири Доно Ортиқова. – Утган йили Янги йил арафасида болаларимиз учун О‘зЛиДеР

Бектемир тумани Кенгаши раиси ташаббуси билан байрам дастури уюштирилган эди. Фурқат ака болаларнинг соғлиги ва яшаш шароити билан яқиндан танишиб, юришга қийналадиган беморларимизни даволатишни ўз зиммасига олишини айтганди. Шундан сўнг муассасамиз тарбияланувчиси Даир Аҳмедовни жароҳли йўли билан даволатдик. Биз бундай саховатдан роса қувондик, айниқса, Даирнинг бувиси ва онасининг қувончини чеки йўқ.

Даирнинг биринчи орзуси меҳр-муруватли инсонлар гамхўрлигида амалга ошди. Бағрикенглик, оқибат туйғуси улғулган тинч ва фаровон дийёра вояга етаётган Даирдек ёшлар маррани катта олиб, келажда албатта юртимиз тарақиётига муносиб ҳисса қўшади.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

Суратни Солижон ЗОЙПОВ олган.

Томорқа – ҳазина

# Андижонликлар анойи эмас

Водийнинг олтин тупроғида ҳикмат кўп. Ҳазина шу заминда. Оддий деҳқон ҳам ер билан тиллашиб, тadbиркорга айланмоқда. Томорқа – барака манбаи эканини бугун андижонликлар яхши билдилар.

Андижон шароитида аҳоли томорқаларидан бир йилда уч марта ҳосил олиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Мана шу тажрибани оммалаштириш керак, холос.

Бугун бу борада қаловини тошганлар бисёр. Томорқанинг фойдасини билганларнинг даромадлари эсни шоширади. Ҳа, андижонликлар анойи эмас...

## Зироатчилик сирини билганларга балли!

Олтинкўлга йўлингиз тушса, Оқтумору Сафаробод маҳаллаларига бир кириб ўтинг. Ана томорқаю, мана томорқа! Бу ердаги аҳоли бекор ўтирганини ёқтирмайди: кафтдеккина ерига ҳам, кааа-тта томорқасига ҳам полизу сабзавот экинларини, гулу гиёҳларни экиб, даромад олиш пайида.

Оқтумор маҳалласининг Омонов кўчасида истиқомат қилувчи Гулнора Уринбоева хонадонига назар ташлаймиз. Хонадоннинг 4 сотихдан иборат томорқаси қишнинг "дам олмайд" ҳисоб. Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Сарвар Расулов оиланинг томорқа кўникмаларини бошқаларга ибрат қилишдан чарчамайди. Эрта баҳорда экилган резаворлар ўрнини дарровгина помидору бодринг эгалласа, ерга совуқ тушиши билан плёнка остида турли кўкатлар экилади. Оила соҳибаси Гулнора оиланинг уч нафар фарзанди ҳам аллақачон томорқа билимларини ўрганишган.

Сафаробод маҳалласидаги Содилбек Жўраев хонадонидидаги томорқа ҳам мақтасак арзийди. 4 сотихли ерининг фойдаланилмайётганини кўрмайсиз сира. Томорқада парвариши тинмаётган булғор қалампир, картошка, карам, кўкатлар ва богдорчилик маҳсулотлари оиланинг асосий даромад манбаига айланган.

Асакадаги томорқалар ҳам кўзни қувнатади. "O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўз томорқасида тadbиркорлигини бошлаганларга кўмакдош" лойиҳаси доирасидаги ўрганишлар давомида хонадонлардаги томорқалар аҳоли жиддий ўрганилди. Томорқа ҳадисини олганлар намуна сифатида кўрсатилди. Улардан бири Хайрулло Жўраев хонадони бўлди. "Марқая" маҳалласининг Соҳил бўйи кўчасида яшовчи фуқаронинг 12 сотихли томорқасида парваришланган помидор ва булғор қалампир кўчатлари на-

фаолиятига яқиндан кўмак беришга ҳаракат қиламиз, – дейди Асака туманидаги "Ўз Донг Вон Ко" қўшма корхонаси қошидаги БПТ раиси Ширахон Толипова. – Очиғини айтиш керак, айна кунга қадар ўрганиш ишлари давомида ўз еридан самарали фойдаланишни билмаётган фуқароларимизга ҳам дуч келдик. Улар орасида олиб борган тушунтириш-тарғибот тadbирларимиз кўзланган натижани берди. Тумани-

валига фарзандларимизни ёнимизга олдик. Фаолиятимизни кенгайтиргач, маҳалладаги ишсиз ёшларни, хотин-қизларни жалб қилдик. Ҳозир 20 сотихлик майдонда 7 та иссиқхона барпо этганмиз. Ҳозир асосан помидор, бодринг, сабзавот ва кўкат етиштирямиз, – дейди А.Собирова.

Томорқада тер тўкаётганларни гапга соламмиз. – Уй бекасима, ҳеч қаерда ишламайман, – дейди Фо-

ни "кўтармайди". Мана, сабаб! Яна партиянинг юқоридаги лойиҳаси доирасида амалий кўмак берилди. Иссиқхона таъмирланди, унга бодринг ва помидор кўчатлари экилди. Бўш қолган ер майдони эса турфа гуллар парвариши учун тайёрланди.

Бўз тумани Голиб маҳалласида яшовчи Моҳидил Маъруфжонов хонадонидидаги 10 сотих томорқанинг 6 сотихидан самарали фой-



миздаги илғор деҳқонлар, ер эгалари томонидан тақдим этилган кўчатлар бугун ана шундай бўш турган ер майдонлари-томорқалар учун айна мудабо бўлмоқда.

## "Аёллар қаноти" энг яқин кўмакдош

Яна бир муҳим тadbирга эътибор қаратсак, O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Ҳар бир оила – тadbиркор" Дастури доирасида Асака тумани "Отиш" маҳалласида яшовчи Азизахон Собирова хонадонидида "Намунали томорқачи" мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Дастлаб партия фаоллари иссиқхона фаолияти билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди. Аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган бундай иссиқхона-

тимахон Жўраева. – Шу боис, Азизахон оиланинг тақдирини рози бўлиб келдим. Кунлик олаётган маошим оиламиз, фарзандларимиз учун сарф қилинаётганидан хурсандман.

Қайси бир туманга бормайлик, томорқа маданияти йилдан-йилга юксалиб, оилалар даромади ошаётганлигига гувоҳ бўлялмиз.

## Боқимандалик балосидан қачон қутуламиз?

Булоқбоши тумани Учтепа маҳалласидаги А. Абдуқодиров хонадони ёғ тушса ялагудек, 12 сотихдан иборат томорқанинг 5 сотихида кўчатлар парвариши авжида. Аммо... қолган ер майдони бўм-бўш. Хонадон эгаси елка қисади: "Нима экишга ҳайронман?" Қизик, одам ҳам ўз ерига шунча бефарқ бўладими? Нима экишга ҳайрон турган фуқарога O'zLiDeP Булоқбоши туман Кенгаши томонидан маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги таянч бўлин бириктирилди. Иш бошланиб кетди. Каттагина ер майдонида дарҳол чопик ишлари амалга оширилиб, ҳатто помидор ва бодринг ниҳоллари ҳам экиш учун шайланди. Мана, ташаббус! Шунинг кўтиб турган хонадон эгаси ҳам хурсанд.

Хўжаободлик Мунира Эргашева хонадонидида ҳам айна ҳолат ҳукмрон. 12 сотихли томорқанинг 6 сотихида турли резаворлар барқ уриб ётибди. Афсусланарлиси, томорқанинг 4 сотих еридаги иссиқхона таъмирга муҳтож. Шу сабабли фойдаланишга яроқсиз. Оиланинг моддий таъминоти таъмир-

даланилмоқда. Бироқ қолган майдоннинг қаровсизлиги кўнгилни хира қилади. Ер ҳатто чопик ҳам қилинмаган. Ваҳоланки, ер тайёрлаш ишлари одатда кўклам келишидан аввалроқ бошланади. Арзимаган баҳоналарга ўзини ишонтираётган томорқа эгасига керакли ёрдамлар кўрсатилди. Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти кўмағида бир гуруҳ партиядошлар хонадоннинг бўш турган экин майдонида чопик ишларини амалга оширидилар. Мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилиб, мавжуд дарахтлар оқланди.

Уш, аслида одамларимиз учун албатта шундай турткилар шартми? Кимдир келиб эшигингизни таққиллатиб, муаммоингизни сўраши баробарида шахсий томорқанингиз ҳам "гуллатиб" беришидан уялмаяпсизми ёки мудраб ётган виждонингиз уйғонмаяптими? Албатта, бу "аччиқ данак" барча учун эмас. Айрим боқимандалик балосидан қутулмаётганлар учун, холос. Ҳар кимнинг хулосаси ўзи билан...

Аслида сидқидилдан тер тўкиб, астойдил ишлашга нима етсин? Ахир бунинг ортида томорқа еридан мўмай даромад борлиги яхши маълум. Бугун аҳоли томорқаларидан унумли ва самарали фойдаланиш замон талаби. Президентимиз таъкидлаган Андижон томорқа мактабидида ишнинг кўзини билган, кафтдек ердан катта даромад олаётган хонадонларнинг яшаш тарзи ҳам, ҳаётга муносабати ҳам ўзгача. Қад ростлаётган муҳташам уйлар, обод йўллар, кўчаларни тўлдириб юрган ўзбек автомобиллари, замонавий иншоотлар ҳамма-ҳаммаси ҳалол меҳнат туфайли эмасми?

Зилола РАҲМОНОВА, "XXI asr" муҳбири

Мулоқот

# Олис овулларда беминнат кўмак

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Конимех туманидаги Янги Ғазгон кўрғонидида истиқомат қилувчилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Партиянинг "Соғлом оила – мустақкам оила" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тadbир вилоят марказидан олисдаги ҳудудларда аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган касалликларни эрта аниқлаш, вақтида тиббий кўриқдан ўтиб туриш маданиятини шакллантириш мақсадида уюштирилди.

Янги Ғазгон кўрғонининг Сарибел ва Ўрзажон овулларидида яшайётган 200 дан ошқ киши терапевт, окулист, гинеколог, кардиолог, педиатр ва бошқа малакали тиббиёт ходимлари кўриқдан ўтказилди. Аҳолига зарур маслаҳат-

лар берилиб, бепул дори-дармонлар, кўзойнақлар ва эрта-лабки бадантарбия учун оёқ кийимлари тарқатилди.

– Мушкуллимиз осон бўлди, – дейди Сарибел овул фуқаролар йиғини раиси Тўракул бобо Абдуразақов. – Олис йўлни босиб ўтиб, марказга тиббий кўриққа бориш биз учун жуда қийин. Шу маънода, O'zLiDePнинг жонкуяр ходимларига миннатдорчилик билдираммиз.

Шу кун бир гуруҳ партиядошларимиз Конимех туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси К.Нармуратова ҳамроҳлигида овулларда хонадонма-хонадон юриб, ногиронлиги бор фуқаролар саломатлигини кўриқдан ўтказиш баробарида, уларни қийнаётган муаммоларни имкон қадар бартараф этишди. 41-умумтаълим мактабидида ташкил этилган "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" номли давра суҳбати давомида фаол ўқувчилар билан

мулоқот уюштирилди. Чўл ҳудудларидаги мактабларнинг 56 нафар ўқитувчиси O'zLiDeP аъзолигига қабул қилинди.

К. Нармуратова алоҳида таъкидлаганидек, бу ерлар ўз номи билан саҳро. Одамлар яшайдиган уйларнинг эшиклари тагигача кум. Тўғри, кум ёзда чангимайди, ёмғирда шилта бўлмайди. Лекин шу кум туфайли овул одамларининг аксариятида кўриш қобилияти пасайиб кетяпти. Тadbир пайтида тарқатилган кўзойнақлар, дори-дармонлар уларнинг дардларига озгина бўлса-да малҳам бўлгани мамнуният бағишлайди.

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Эътироф

# "Мўътабар аёл" деса арзийди

Халқ депутатлари Кўшкўпир туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси "Маданият" маҳалла фуқаролари йиғини раиси Гулбахор Султонова Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан таъсис қилинган "Мўътабар аёл" кўрак нишони билан тақдирланди.

Гулбахор опа 15 йилдан бери фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатиб келади. Ишбилармон аёл маҳаллада тadbиркорлигини йўлга қўйиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, биргина 2018 йилнинг сарҳисоб қиладиган бўлсак, партия кўмағида маҳаллада 21 та кичик бизнес субъекти очилиши натижасида 62 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

– Маҳалламизда тadbиркорлик қилаётган фуқаролар кўпчилигини ташкил қилади, – дейди Г. Султонова. – Хусусан,

ёшларнинг гоёлари кўп. Уларни амалга ошириш эса ўз ўзидан бўлмайди. Модомики, турли масалаларда мурожаат қилувчиларнинг муаммоларини жойида атрофлича ўрганиш, уларга имкон даражасида ёрдамлашиш нафақат раис, балки маҳаллий кенгаш депутати сифатидаги муҳим вазифамдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, O'zLiDeP депутати томонидан тегишли ташкилотларга ўтган йили 23 та, жорий йилнинг ўттири даврида эса 6 та депутатлик сўрови чиқарилган бўлиб, уларнинг барчасига жавоб олинишига, яъни кўтарилган масалага ижобий ечим топилишига эришилган. Шунингдек, Қонунийлик, ҳуқуқ-тарғибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси сифатида

туман кенгаши сессияси кун тартибига 2 та масала киритилишида ташаббус кўрсатган.

Партияимиз билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тарғибот тadbирларида, ишчи гуруҳлар фаолиятида мунтазам иштирок этаётган Гулбахор оилани юксак эътироф – "Мўътабар аёл" кўрак нишони соҳиби бўлгани билан сафдошлар номидан муборакбод этаммиз.

Дурдона ҚОБУЛОВА, O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши хузуридаги Сийсий таълим маркази раҳбари

Ички туризм

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тadbирлар тўғрисида"ги фармони, шунингдек, мамлакат ҳудудлари бўйлаб туризм-экскурсия ташкил этилишини кўзда тутувчи "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастурида аҳоли катламларини саёҳатга жалб қилиш механизмлари аниқ белгилаб қўйилган.

# Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлари ва партияимизнинг бир гуруҳ фаоллари мазкур дастур доирасида уч кун давомида Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги тарихий жойларга саёҳат уюштириб, азиз авлиёлар мангу кўним тошган масканларни зиёрат қи-

лишти. – Саёҳат пайтида хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш давр талаби эканлигини дилдан ҳис этдик, – дейди O'zLiDeP Бўка туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ижрочи котиби Даврон Темиров. – Сайёҳлик хизматларини

яхшилаш ва турларини кенгайтириш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқиляётгани, юртимизга келаётган сайёҳларга яратилаётган қулай шароитлар Ўзбекистон туризм мамлакатига айланиб бораётганидан далолатдир.

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати



фақат маҳалладошларини, балки туман бозорини ҳам ниҳоллар билан таъминламоқда.

– Ҳафтада 2 марта хонадонларда бўлиб томорқалар

лар тармоғини янада кенгайтириш кераклигини таъкидлашди.

– 2012 йилда атиги 2 та иссиқхона билан фаолиятимизни бошлаган эдик. Ав-

# Кутилмаган “сайр”

Кун мавзуси

Инвестицион жозоба

Шу йилнинг 11 март кун ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментини кўриш таажубга соладиган, бир қарашда ҳатто кулгунидан кўзга ташланган видео тарқалди. Қисқа дақиқалик видеонинг томошабоп жойи – “Нексия” русумидаги машина олдқапоти устига юзтубан ётиб қолган ИПХ инспекторининг ноилож ҳолатдаги тасвири эди.

Орадан кўп ўтмай, бир қатор интернет нашрлари айна шу видеога муқофасан чиқишлар қилди. Ва бу хабар яшин тезлигида бутун мамлакатга тарқаб кетди. Шундан сўнг куннинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси расмий сайтида муносабат эълон қилинди. Қисқача мазмуни:

“Интернет тармоғида “Нексия” русумли автомобиль ҳайдовчиси ИПХ инспектори машина капотида бўлган ҳолатда йўл бўйлаб ҳаракатланаётгани акс этган видео тарқалди. Ушбу автомобиль ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини бузиб (“Тўхташ тақиқланади”) (3.27) белгиси остида тўхтаб ва “Тўрига ҳаракат” (4.1.1) белгисини менсимасдан) ИПХ инспекторининг тўхташ ҳақидаги белгисига бўйсунмасдан ҳаракатни давом эттирган. Ҳозирги вақтда ҳайдовчи Д. Т. ички ишлар бўлимига олиб келинган. Сугурта полисининг амал қилиш муддати тугагани боис йўл ҳаракати қоидаларини бузганида жавобгарликдан қочмоқчи бўлгани шу натижаларга олиб келган. Унинг автомобили жарима майдончасига жойлаштирилди. Прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилиши масаласи кўриб чиқилмоқда”.

Англашилмоқдаки, қоидабузарнинг бу тарздаги сайру саёҳати узоқ давом этмаган. Аммо бу ўринда ўқувчилар учун бир жиҳат мажбул ҳамда мавҳум эди. Яъни, ҳайдовчига нисбатан “жиноий иш қўзғатиш” масаласи!

13 март кун боз ўша Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси расмий сайти ва “Фейсбук”даги аккаунтида “Қоидабузар ҳайдовчига нисбатан ЖКнинг 219-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, у қамоққа олинди” сарлавҳали видеоматериал хавола этилди. Тошкент шаҳар ИИББ ахборот мультимедия марказининг тезкор чиқишини кузатар эканми, унда воқеа иштирокчиси – ИПХ инспектори жумладан шундай дейди:

– Мен тўхтаган, бўйсунмаган автоулов тўғри устимга қараб бостириб келди. Бир қадам орқага юрдим. Шу ҳаҳоти тормоқ босди-да кейин яна устимга ҳайдашни бошлади. Газни охиригача босиб, мени босиб кетмоқчи бўлди. Шундан кейин менда икки томонга ўтишни шижожи йўқ эди, шунинг учун ўзимнинг ҳавфсизлигимни таъминлаш мақсадида автоулов олдқапотининг устига йўқилдим.

## Бир қоидабузарлик ИПХ ходимининг ҳаёти учун қанчалик хатарли?

Энди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси (“Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш”) биринчи қисмига бир назар ташласак.

Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтими соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўришиб турибди, вазият жиддий тус олган. Биз қоидабузар ҳатти-ҳаракати юзасидан унинг келгусидаги тақдири ҳақида фикр юритиш, муносабат билдириш ниятимиз йўқ. Боиси, ҳозирда катта эҳтимол билан суриштирув-тергов жараёни кетмоқда. Агар қоидабузар ҳайдовчи суд томонидан айбдор деб топилса, жазосини олиши муқаррар.

Биз шу воқеа сабаб унинг атрофида кечган айрим мулоҳазалар, аниқроғи, танганинг иккинчи томони ҳақида сўз юритмоқчимиз.

**Биринчи савол: ИПХ инспектори билан боғлиқ ҳолат биринчи мартаба кузатиляптими?**

**Иккинчи савол: Автоулов олдқапотида “йўқилиш”, ҳаққатан ҳам, ИПХ инспектори айтганидек “ҳавфсизликни таъминлаш”нинг сўнги чорасими?**

**Учинчи савол: Хизмат вазифасини бу тарзда бажариш соҳа имижига салбий таъсир кўрсатмаяптими?**

Дастлаб интернет тармоғига юзланиб, турли тилларда шу мавзуга оид қидирув бериб кўрамиз. Ху-ў-ш, бу каби кўнгилсиз ҳолат фақат бизда учрайдими ё бошқа мамлакатларда ҳам борми?

Ҳосила бўлким, ИПХ назоратининг ҳайдовчилар автоуловларида ноодатий тарзда “катайса” қилиш ҳолатлари муҳрланган тасвирлар жуда кўп экан. Россия-Федерациясида дейсизми, Хитой Халқ Республикасидами, Жазоир давлати ёхуд Европадами, ҳуллас, юзлаб топилди. Манзара эса ўша-ўша ҳам унчалик ҳам уялмасак бўлаверади, деймиз-у фақат...

Эътиборимизни тортган тамсил шуки, бу сингари кўринишларнинг аксарияти ИПХ ходимининг енгил, ўрта ёки оғир тан жароҳати олиши билан аюналган. Бошқача айтсак, улар каскадёрлик ишини бинойидек удалашапти! Бироқ вазият билан вазиятнинг фарқи бор. Яъни, ҳамма жойда ҳам мажбурий тарзда капот устига чиқиб қилиш ҳолатлари учрамайди. Қачонки ён-атрофдан



кўшимча ёрдам олиш имконияти мавжуд бўлганда. Келинг, буни юқоридаги воқеа юзасидан кўриб чиқсак.

Машмаша чекка бир ҳудудда эмас, пойтахтнинг қарийб марказида, ҳамма тарафга фото-видео қайд этиш ускуналари ўрнатилган гавжум жойда юз берапти. Тўғриси, жисмоний томондан агар машина тезлиги ошгунига қадар ён-атрофга қочиб қолиш унчалик ҳам катта таваккалчилик ҳисобланмайди. Ҳарҳолда, бу ўриниш капотта “йўқилиш”дан ҳавфсизроқ, Бошқа тарафдан автоуловнинг давлат рақами инспекторга аниқ-равшан кўриниб турган бир паллада, тезкор гуруҳ қақариш ёки кузатув маркази бўлинишига хабар бериш ўрнига капот устига “йўқилиб тушиш” и сизга бироз ғалати туюлмаётими? Агар тегишли маълумот етказилса, бу бўйича тезкор гуруҳ қоидабузарни керак бўлса беш-ўн дақиқа ичида ушлаши аниқ-ку?!

Ўйламанг, биз инспекторнинг интервьюдаги гапларига шубҳа қилмаяпмиз; шунчаки вақолатида, кўпга имкониятлари тургани ҳўлда ўз жонини ҳавф-хатарга қўйишига ажабланишимиз, ҳолос. Агар бу кўнгилсиз томоша ёрдам қақариш шароити бўлмаган, вазиятни мустақил ҳал этишга мажбур ҳудудда кузатилганида, ҳудди сиз таъкидламоқчи бўлгандек, ушбу ҳатти-ҳаракатни жасоратга йўйиш мумкин эди. Афсуски, ундай дея олмаймиз. Бу ҳудди кўлида ўта аниқ кўрсатувчи компаси бор одамнинг ундан фойдаланиш ўрнига шамолга қараб тусмол-тахмин йўналиш олишига ўхшайдик, на-да қулишни, на-да қўйишни биласиз.

Бугун барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимларида профессионаллашиш

кузатиляётган, чунончи, ИИВнинг тааллуқли бошқарма ва муассасалари керакли замонавий, энг сўнги русумдаги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланаётган, Тошкентдек шаҳри азим маркази кўчаларидаги қатнов траекторияси кузатув бўлинишида қафтдек кўришиб турган бир паллада инспекторнинг машинага осилиб юриши... одамлар орасида соҳага нисбатан недир бир ишонсизлик, истеҳзо, калака кайфиятини тўғдирмаслигига қафолат борми? Айтинг-айтинг, шундай кайфиятни соҳа ходимларининг ўзлари пайдо қилиб қўймаётими?

Яширадиган жойи йўқ, ўзи шундоқ ҳам ички ишлар органлари вакиллариининг ижтимоий имижига аҳоли орасида жудаям юксак эмас. Агар шундай бўлганда ижтимоий тармоқларда турли видеолар ҳозиргидек бодраб ётмасди... Мавзу эса ҳали давом этадиганга ўхшайди!

Биламизки, ички ишлар соҳаси турдош органларга нисбатан халққа энг яқин тизим. Биз мулоҳазаларимизни “Модомики шундай экан, ходимлар унга мос бўлиши керак!” қабилдаги баландларвоз гап билан тугатишни истамаймиз, улар буни шундоқ ҳам яхши англашади.

Умидимиз шулки, Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари тизимда учраётган юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатлар қўлайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўради: ички интизом борасидаги йўриқномаларни қайта кўриб чиқади, инспекторлар эса агар вазият тақозо қилмаса, омма олдида ўша кундагидек, кутилмаган “ғаройиб трюк”лар кўрсатишга жазм этишмайди. Аянаям билмадик...

Аслиддин АЛИМАРДОН

Янги нашр

# Тараққиёт таҳлили

Ҳар бир тарихий даврнинг мазмун-моҳияти табиий равишда давлат арбоби, сиёсий етакчи номи билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ғоявий-мафкуравий, маънавий-маррифий ходисалар бевоҳита давлат раҳбари феъл-атвори, сиёсий қарашлари, бошқарув усули ва услубидан келиб чиқади. Бу, айниқса, кўп қиррали ислохотлар амалга ошириляётган, жадал тараққиёт йўлига чиқиб бораётган мамлакатларда яна ҳам муҳим, долзарб аҳамият касб этади.



Ўзбекистон тарихида кейинги икки ярим йил, айтиш мумкинки, жамиятни тубдан ислох этиш ва бошқарувни демократлаштиришнинг бутунлай янги даврини бошлаб берди. Мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилиб, тўла қувват билан ҳаётга жорий этилиши ўхшаши йўқ механизми такомиллаштирилмоқда. Бу борда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси узоқни кўзлаган, реал воқеликка таянган, илмий-назарий жиҳатдан пухта асосланган дастуриламал ҳисобланади.

Яқинда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган таниқли сиёсатшунос-лидеролог Нарзулла Жўраевнинг “Тамаддунга даъват” монографияси ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятини ҳаётини мисоллар орқали очиб беришга қаратилган билан аҳамиятлӣдир. Тўғри, бундай тажриба биз учун янгиликдек туюлади. Аслида-чи? Дунёда эса давлат раҳбарларининг иш услуби, сиёсий стратегик қарашлари, етакчи сифатидаги феномени ҳозиржавоблик билан ўрганилади. Илмий тадқиқот объектига айлантирилиб, қатор-қатор китоблар нашр этилади.

Эътироф этиш керакки, Президент Шавкат Мирзиёев

жамиятимизни ялпи сафарбарликка даъват этадиган, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини тезкорлик билан ривожлантиришга қақаридаган сиёсий концепция муаллифидир. Ҳаракатлар стратегияси шунчаки шаклий эмас, балки моҳиятан кескин бурилиш даврини бошлаб берадиган, кенг миқёсда ислохотларнинг бутун кўлами билан самарасини оширадиган қудратли механизмни яратишни тақозо этади. Президент ушбу жараёнларни кузатади, йўналтиради, назорат қилади ва бошқаради. Давлат раҳбарининг қатъий фикрича, халқ келажақда қачондир фаровон ва саодатли бўлиши эмас, балки бугун тўлақонли яшаш ва мазмундор ҳаёт кечирishi керак. Бунинг учун эса жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фуқаро умуммиллий тараққиётта муносиб ҳисса қўшиши лозим. Натижада жамиятда яратувчанлик, бунёдкорлик туйғуси янада чуқурашади.

“Тамаддунга даъват” монографияси муаллифи Ҳаракатлар стратегияси хусусида фикр юритар экан, давлат

раҳбарининг ўзига хос фазилатларини қуйидагиларда кўради: “Биринчидан, сиёсий етакчининг қатъий ва ўзгармас позицияга эгаллиги; иккинчидан, бошлаган ишнинг охирига етказишдек қатъиятли ва узоқни кўзлаган давлат арбоби хос юксак фазилат, учинчидан, мамлакат раҳбарининг бутун обрў-эътиборини, сиёсий имижини белгилайдиган сўз билан иш бирлигига эришиш; тўртинчидан, сиёсий қарашларда изчиллик, узвийлик ва уларни ҳаётда жорий этишда қатъий талабчанликнинг юксак даражада намоён бўлиши; бешинчидан, улкан хотира қуввати ва ички ирода кучи туфайли жамиятнинг ҳамма соҳа ва йўналишларини, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини бир йўла назорат қила олиш салоҳияти; олтинчидан, кўтарилган масалалар ва топширилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эришиш; еттинчидан, шарқона бошқарув маданияти ва раҳбарлик одобининг юксак даражада намоён бўлиши. Жумладан, бунда очик сиёсий муносабатлар, халқ билан жонли мулоқот, одамлар орасида юриш, уларнинг қувонч ва қайғуларига шерик бўлиш, ҳар бир фуқаронинг орзу-уй ва мақсадларини ўрганиш ва уларни рўёбга чиқаришга шароит яратиш каби соф инсоний фазилатларнинг намоён бўлиши”.

Китобни ўқир экансиз, давлат раҳбарининг ўта ҳозиржавоблиги, жаҳон цивилизациясидан тўла хабардорлиги, айна пайтда бир неча минг йиллик миллий давлатчилигимиз тажрибалари билан ҳозирги замон ютуқларининг синтезлашган шаклини жузуда келтириш каби ноёб фазилати, давлат қурилиши борасидаги новаторлиги кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, муаллиф таъкидлаганидек, тараққиётнинг янги босқичини бошдан кечирмоқдамиз. Бу давр шиддаткорлиги, тезкорлиги ва кенг қўламлилиги билан ажралай туради. “Тамаддунга даъват” монографияси тарихий давр мазмун-моҳиятини, мамлакатда барча жаҳонларда олиб бориляётган изчил ислохотларнинг бутун кўламини чуқур англашга ёрдам беради.

Ваҳоб КўЧҚОРОВ, сиёсий фанлар доктори, профессор, Илёс ҚУВОНДИҚОВ, илмий тадқиқотчи

Айни пайтда тараққиёт маромини теран хис этадиган, юртимиз иқтисодий фаол инвестицияларни жалб қилиб, фаолиятини кенгайтиришга ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодий юксалишига оз бўлса-да хисса қўшишга шай бўлган тadbirkorлар талайгина. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган “DIMAX sanoat savdo ko'rgazma biznes markazi” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай тadbirkorлик субъектларидан бири.

Эътиборлиси, ишлаб чиқариш, кўргазма-савдо, доимий фаолият юритувчи ярмарка, консалтинг, логистика ва бошқа хизмат турларини ташкил этишда кўмаклашиш ҳамда комплекс хизматларни ўз ичига олган мазкур жамият бир қатор хорижий компаниялар билан манфаатли келишувларга эришган.

Хусусан, 2019-2020 йилларда мажмуа ҳудудида инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда Туркиянинг “Imisk ithalat ihrarat tikaret ve nakliyat a.s.” корхонаси билан 5 миллион АҚШ доллари миқдорда қурилиш маҳсулотлари ва ускуналарини сотиш ва халқаро инновацион кўргазмаларни ташкил этишга мўлжалланган савдо маркази қуриш,

## “DIMAX” бизнес маркази ташаббуси

шунингдек, “Бизнес-акселератор” бўйича меморандум имзояланган. Қолаверса, “Bog'azici Ihtisas Fuarcilik Limited s'irketi” компанияси билан имзоланган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ жорий йилда тўрт мартаба инвестицион ва инновацион ишлаб чиқариш ускуналари кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилган. Таъкидлаш керак, бу қадамлар юртимиз тadbirkorлари учун ўзларига муносиб бизнес ҳамкор топиш учун қўлай имкониятдир.

Кўни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида юқорида тилга олинган турк компаниялари вакиллари билан амалий учрашув бўлиб ўтди.

Унда ҳокимлик инвестиция бошқармаси ҳамда туризм департаменти мутасаддилари мамлакатимизда кейинги йилларда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодийни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислох қилиш, тadbirkorлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш ҳамда солиқ ва божхона тизимида амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар хусусида фикр юритдилар.

Шундан сўнг лойиҳанин мақсади, самараси ва пировард натижаси хусусида ўзаро фикр алмашилди. Мазкур масала юзасидан томонларни қизиқтирган саволларга атрофчила жавоб қайтарилди.

– Мазкур учрашувни ташкил этишимиздан қўзланган асосий мақсад, Президентимизнинг 2018 йил 15 августдаги “Тошкент шаҳрида инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тadbirkorлари тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда “DIMAX” МЧЖда мавжуд бўлган 8,6 фоиз давлат улушини туркиялик инвесторларга сотишдан иборат, – дейди мазкур жамият раҳбари Дилшод Шоумаров. – Ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, кўпга янги иш ўринлари яратилади. Айниқса, ушбу лойиҳалар қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тadbirkorларимиз учун айни мuddaодир. Боиси, биргина “Bog'azici Ihtisas Fuarcilik Limited s'irketi” билан апрель ойида ўтказиладиган кўргазмаларда Туркиянинг қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 80 га яқин компаниялари иштирок этиши кутилмоқда. Бу эса тadbirkorларимизга қўлай бизнес ҳамкор топишда қўл келади. Қолаверса, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Учрашувда ушбу инвестицион лойиҳани самарали амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилиниб, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

# Рост билан ёлғоннинг фарқи бор

Матбуотнинг асосий шиори ҳолислик бўлиши керак. Кўчадаги гапларга аниқлик киритмасдан сайтларга материал жойлаштираётган “чакқон” мухбирлар ҳам борки, ёлғон хабарлари билан одамларни чағиритишдан бошқасига ярамайтилар. “Nasafnews.uz” сайти мухбири Муқаддас Исмоиловнинг 2019 йил 9 февралда мазкур сайтда эълон қилган “Нишонда аҳолининг кўзғолон кўтаришига сабаб нима? “Монархия”га айланган давлат корхонасининг асл ҳақиқатлари...” мақоласи жамоамиз ишчи-хизматчилари ва жамоатчиликнинг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Биз сайт тахририятига раддия беришимизга қарамай, М.Исмоилова ушбу мақоласини “Даракчи” газетасида ҳам чоп эттирди.

Аслида нима бўлган эди. Келинг, бир бошидан бошлайлик: 2019 йил 9 февраль кунини унитар корхонамизга қарашли Амир Темури номидаги маданият маркази мажлислар залида уй-жой ажратилиши ва ишга жойлаштириш сўраб келган фуқаролар қабулини ташкил этдик. Қабулда Нишон туман ҳокими М. Ҳайитмуродов, туман прокурори А. Муҳаммадиев, туман ИИБ бошлиғи Д. Умаров, корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Анвар Аширов ва “Nasafnews.uz” сайти мухбири Муқаддас Исмоилова ҳамда ўзини таништирмаган ёрдамчиси иштирок этди.

Қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини эшитиб, асосли жавоблар қайтардим. Таъкидлаш кераки, корхонамиздан иш сўраган фуқаролар энергетика бўйича мутахассис эмаслиги боис мазкур масалани ҳал қилиб беролмаймиз. Бизда фақат мутахассислар суҳбат асосида ишга олинади. Улар билан суҳбат ва синов видеокузатувлар асосида амалга оширилади, деб айтдим. Буни қўриб, эшитиб турган мухбир шу кунини бир гуруҳ тухматчиларнинг сўзларига таяниб, ўзи фаолият кўрсатаётган сайтда гирт бўлтондан иборат мақолани жойлаштирди. (Аслида, бу норозиликни ташкил этган асосий ташкилотчилар мақолага киритилмаган. Улар интервью беришмаган, фақат четдан кузатиб туришган.) Сайтда берилган сурат остида шундай тагсўз бор эди: “Нишон тумани Талимаржон иссиқлик электр станциясининг 200 нафарга яқин ишчиси кўзғолон кўтармоқда”. Бундай ёлғон хабарни ёзишдан аввал муаллиф ахборотнинг тўри-нотўрилиги ҳақида чуқур ўйлаб қўриши керак. Суратдан кўришиб турибдики, қабулга келганлар 200 эмас, аксинча, 20 нафардан ошмайди. Иккинчидан, уларнинг талаблари ҳақи, асосли эдимки? Энди ана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Талимаржон ИЭС” УК тасарруфидоги уй-жой фонди ва коммунал соҳа муҳандислик коммуникациялари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансида ўтказилган. Корхона балансида электр энергияси ишлаб чиқариш билан боғлиқ уй-жойлар қолдирилиб, зарур пайтда усуналарни таъмирлаш ҳамда 450 МВт 2 та буғ қурилмасини қўриб кенгайтириш тўғрисидаги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши муносабати билан хориждан ва бошқа вилоятлардан келадиган мутахассисларни ётқоқай билан таъминлаш мақсадида меҳмонхона ва хизмат уйлари сифатида фойдаланилади. 2013 йил 16 августда бўлиб ўтган йилгида янги уй-жойлар қуриш учун “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан маблағ ажратиш тўхтатилгани боис уй-жой билан таъминлаш ҳақида аризалар қабул қилинмаслиги ва қўриб чиқилмаслиги ҳақида корхона жамоасига маълум қилганми.

2017 йилга бундан хизмат уйларида четдан келганлар яшаб турарди. 2017 йил охирида 2 та буғ газ қурилмаси ишга тушган, бош пудратчи “Хундай” компанияси қурган 70 ўринли

ётқоқчаларни ўзимизга олиб қолдик. Шундан сўнг муқаддам сақлаб келинган 23 ва 23 А уйлар бошқарувда ишлайдиган етук мутахассисларга хизмат ўйи қилиб берилганди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги “Ўзбекэнерго” АЖ ташкилотларининг активларини молиявий соғломлаштириш ва уларнинг самарали сарфланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан корхона ҳисобиди бўлган кўп қаватли 23 ва 23 А ҳамда 1 қаватли коттеж уйлар кимошди савдоси орқали сотилиши белгиланди. Биз бу уйларда яшаб турган фуқароларнинг манфаатини ҳисобга олиб, корхона маъмурияти томонидан юқорида таъкидланган қарорга ўзгартириш киритиш тўғрисида вилоят ҳокимлиги ва “Ўзбекэнерго” АЖ раисига ёзма мурожаат қилган эдик. Мурожаатимиз эътиборга олинди, 2019 йил февралда Вазирлар Маҳкамасининг 147-қарори қабул қилинди ва аукцион савдо бекор қилиниб, бу уйлар маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтказилиб, яшаб турган фуқароларга берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 443-сонли қарорига асосан Нуристон шаҳарчасида корхонамиз балансида мавжуд бўлган қурилиши режалаштирилмаган икки қаватли тураржой биноси маҳаллий ҳокимият тасарруфига топширилгани сабабли кам таъминланган ва муҳтож оилаларга уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағ учун ипотeka кредити расмийлаштиришига корхона томонидан кафилият хати берилишини йўлга қўйганми. Шундай қулайлик яратилганига қарамай, айрим ишловчиларимиз корхона ҳисобидан уй-жой билан таъминлашни талаб этишмоқда. Бунинг аса асло имкони йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Базавий тармоқ корхоналари активларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан корхона ҳисобиди бўлган 27, 29-кўп қаватли уйлар маҳаллий ҳокимият балансида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги 2747-сонли қарори ҳамда “Ўзбекэнерго” АЖ ва Ўзбекистон Энергетика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг 2017 йил 27 январдаги 53/6-27-сонли “Талимаржон ИЭС унитар корхонасида штат бирликларини қисқартириш тўғрисида”ги буйруқ-қарори ҳамда “Ўзбекэнерго” АЖнинг 2017 йил 2 апрелдаги 232-сонли буйруғига асосан 270 та штат бирлиги мақбуллаштириш йўли билан қисқартирилди.

2017 йилдан буён мамлакатимиз ва вилоятимизга хориж компаниялари ҳамда молия муассасалари томонидан инвестициялар киритилиб, нефть-газ казиб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши муносабати билан ўтказилган танловда 22 нафар мутахассиснинг қатнашиб, бошқа корхоналарга ишга ўтиб кетди. Биз улардан кетишларининг сабабини сўраганимизда Нуристон шаҳарчасида уй-жойлари йўқлигини айтгандилар.

“Ўзбекэнерго” АЖнинг 2018 йил 9 июлдаги буйруғига асосан ташкил этилган ярмаркада

108 нафар иш изловчи фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, 5 нафари қозон турбина, 2 нафари кимё, 3 нафари технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимлар цехига ишга қабул қилинди. Агар ҳақиқат ишлаётган мухбир биздан мана шу каби маълумотларни олганида, корхонада кадрлар қўнимсизлиги ҳақида, аввал қисқартириш ва кейин ўша ўринларга одам олиш каби номақбул гапларни ёзмаган бўларди.

Ишловчиларни уй-жой билан таъминлаш учун махсус комиссия ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига касаба уюшма кўмитаси, цех касаба уюшмаси аъзолари, муҳандис-техник ходимлар ва илгор ишчилар киритилган. Цех кўмиталари томонидан қабул қилинган қарорлар комиссия томонидан ўрганилиб, сўнг раҳбариятга топширилади. Биз асосан корхона ҳисобидидаги хизмат уйлари энергоблок тизимида ишлаётган етук мутахассисларга хизмат тураржойи сифатида вақтинча яшаб туриш учун берамиз. Хусусан, 2018 йил 1 февралдаги маъмурият ва касаба уюшма кўмитасининг 10-сонли кўшма йиғилиш баёнига асосан бу хонадонларга қозон турбина, технологик жараёнларни автоматик бошқариш, электр ва кимё цехлариди ишлаётган малакали мутахассислар вақтинча яшаш учун жойлаштирилган.

Мухбир “Уйнаб гапирсанг ҳам уйнаб гапир” деган мақолани эшитганида эди, ўз мақоласида содир бўлаётган порахўрлик, адолатсизлик, ёлғончилик ва давлат мулкани талон-торқ қилинаётгани ҳақида бу даражада бўхтон тўқимасди. Ҳолбуки, бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларимизга зид бўлиб, бу борада жавобгарлик белгилаб қўйилган ҳам. Агар бировга қўйилган айб таъкидланмаса, тухматчининг ўзи жазага тортилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Айтиш жоизки, бизнинг жамоамизда юқоридаги каби ношу ҳолатлар кузатилган эмас.

Қудрат Аvezовнинг сўзларидан шундай кўчирма келтирилади: “...ноҳақлик, порахўрлик ва адолатсизликни кўраман десангиз, бемалол бизнинг корхонага келаверинглар. “Ўзбекэнерго” АЖ раҳбариятига бориб учрашсангиз эса ёлғончилик, алдов ва кўзбўямачиликни кўрасиз”. Мақола “қахрамон”ларидан бирига айланган Қудрат Аvezов ҳақида қисқача тўхталамиз. У 1990 йил Бўхоро туманида туғилган, маълумоти ўрта-махсус. Гидротехника иншоотлари ва коммуникациялар цехида назоратчи бўлиб ишлайди. Шу цехда ишлайдиган Ҳайитгул Пулатованинг қизига уйланди. Хотини ва қайнонаси билан Нуристон қўргони 4-миттитуман 3-уй, 28-хонадонда рўйхатдан ўтиб, яшаб келишган. Айни пайтда бу хонадонда харбий хизматчи лейтенант Ш. Ахматов ўз оиласи билан ижара асосида истиқомат қилади. Қудрат Аvezов хотини ва қайнонаси билан 4-миттитуман ёшлар марказида жойлашган қурилиши тугалланмаган 4/1-уйга ўзбошимчалик билан кирволиб, ноқонуний яшаб келмоқда. Уларни уйдан чиқаришни сўраб Нишон туман ИИБга ариза билан мурожаат этдик. Маъмурий ишлар бўйича Нишон туман судининг қарорига асосан Ҳ. Пулатовага оғохлантириш берилган. ФИБ Қарши туманлараро судининг қарори ва ижро варақасига кўра уларни 4/1-уйдан мажбурий тартибда чиқаришни таъминлаш учун Нишон туман Мажбурий ижро бўлимига мурожаат этганми.

Ҳайитгул Пулатованинг “Ўзбекэнерго” АЖ раҳбариятига уй-жой сўраб қилган мурожаатидан сўнг Тошкентдан келган комиссия томонидан унга 1-миттитумандаги 23-уйнинг 48-хонадони хизмат уйи сифатида ажратилди. Айни пайтда бу ерда яшаётган ИИБ ходими Ихтиёр Бўриевни мажбурий тартибда чиқариш учун суд жараёни бошланган. Ҳайитгул Пулатовага 2018 йил 38-сонли хизмат ордери расмий-

лаштирилгани ҳақида 36-сонли қарор нусхаси тақдим этилган.

Корхонамизда уй-жойга муҳтож малакали мутахассислар, кам таъминланган оилалар бор. Буни тан оламиз. Аммо Мамаюсуп Саломов бу рўйхатда турмайди. У Қашаши туманидан. Корхонамиздаги фавқулодда вазиятлар ва мобилизация тайёргарлик 2-бўлимида ҳисобга олиш ва бронлаштириш бўйича етакчи муҳандис бўлиб ишлайди. Унга 2013 йилги лойиҳа бўйича Қашаши туман Қўшапапа массивида намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйнинг 25 фойз қисмида 37 миллион 500 минг сўм, “Қурилишга сармоя” мақсадида жамғариб бориладиган муддатли омонат турини шакллантириш учун бошлангич бадал сифатида ва уй-жойнинг умумий тўловларидан фарқи ҳисобланган 30 миллион 998 минг сўм миқдориди яқиний тўлов учун жами 68 миллион 498 минг сўм “Қишлоққурилишбанк” Қашқадарё филиали ҳисоб-рақамига ўтказиб берилган. Ушбу маблағни Мамаюсуп Саломов 14 йил мобайнида ойлик иш ҳақидан тўлаб бериши керак. Ўзи эса Нуристон қўргони 4-уйда яшайди. У муттасил равишда “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси номига корхона маъмурияти томонидан ноқонуний ишлар қилинаётгани ҳақида тухмат гаплар ёзиб, 1-миттитуман 23-А уйнинг 40-хонадонини ўғлининг номига расмийлаштириб беришни сўраган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу хонадонлардан биз ишлаб чиқаришни назорат қиладиган малакали мутахассисларга хизмат тураржойи сифатида фойдаланмоқдамиз. 1-миттитумандаги 23-А кўп қаватли уйнинг 22- ва 40-хонадонлари ҳуқуқий муҳофаза этиш идоралари ходимларига ётқоқой сифатида туман ҳокимлиги ихтиёрига берилган. Тўғри, корхонамизда уй-жойга муҳтож малакали мутахассислар ва кам таъминланган оилалар бисёр. Биз уларга имкон қадар молиявий кўмак бериш ҳақида ўйлаялми. Лекин иккита уйи бор Мамаюсуп Саломовнинг яна бир уйни ноқонуний эгаллаб олиш учун қилган хатти-ҳаракати қайси қонун-қоидага мос келади? Нега олишнинг истаётган мухбир бу ҳақида лом-лим демайди?

Мақола муаллифи марказлашган таъмирлаш чели ҳизматлари Зайниддин Аширов ҳам унга мурожаат этиб, уйга муҳтожлиги, аммо раҳбариятга мурожаат этганида “Сизнинг номингизда уй бор, сизга уй бера олмаймиз” деган жавобни олгани, спорт билан шугулланиши, корхона тасарруфи ва ҳоимийлигида ташкил этилган спорт секцияси эътиборсизлик туфайли таназзулга юз тутганини иддао қилади. Аммо бу киши ўтган икки йил давомида 4 маротаба иш жойи ва иш ҳақи сақланган ҳолда жами 18 кун мамлакатимизнинг турли шаҳарларига спорт мусобақаларига қатнашиш учун хизмат сафарига бориб келганини унутгани галати. У Нуристон шаҳарчаси 1-миттитуман 18-уй 48-хонадонда рўйхатда туради. Биринчи оиласи ва 2 нафар фарзанди шу манзилда яшайди. У раҳбар бўлган “Турон” спорт клубига корхона балансида бўлган 2- ва 3-ётқоқчалар орасидаги бино барча иситиш тизими мавжуд хоналари билан тўлалигича 2004 йил бегараз ҳоимийлик сифатида ўтказиб берилган. Зайниддин бу бинодан спортни ривожлантириш учун фойдаланиш ўринга бошқа бировга ҳада қилиб юборганини қандай изохлаш мумкин? Мухбирни ушбу ҳолат ҳам қизиқтирмаганига ҳайронмиз. Ахир бугун мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг спорт билан шугулланиши учун бу бинони ҳада этган эдик. У эса болалар спортини эмас, ўз жигилдонини ўйлаб бинони сотиб юборди. 2018 йилдаги мурожаатига кўра “Турон” спорт клуби ишини яхшилаш ва болалар спортини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилиб, Нишон

туман ҳокимлиги захирасидан 15 гектар ер ажратиб берилган. Аммо Зайниддин Аширов “Нуристон ризқ насибаси” МЧЖ билан сув таъминоти учун имзоланган шартнома шартларини бажармаган, сув сарфини ҳисоблагич ускунасини ўрнатмаган, тўловларни ўз вақтида амалга оширмагани учун қарзга ботган, сув бериш тўхтатилган. Унга бошқатдан шартнома тузиш ва тўловни ўз вақтида амалга ошириш тушунтирилди.

Ёки Худойқул Йўлдошевнинг штат бирлиги “Ўзбекэнерго” АЖнинг 2017 йил 232-сонли буйруғига асосан қисқартирилиши керак эди, аммо корхона касаба уюшма кўмитасининг 2017 йил 15 июндаги 465-сонли қарори билан сақлаб қолинган. У бўлса мухбирга “Касаба уюшма раиси бирорта ходимнинг жонига оро кирганини эслай олмайман”, дегани тушунарсиз. У корхонанинг ҳарбийлашган қўриқлаш бўлимида қоровул бўлиб ишлайди. Вазифаси – корхона мулкани кўз қорачигидек асраш ва қўриқлаш. У бўлса ўзи яшаб келган Нуристон шаҳарчаси 1-миттитуман 10-уйнинг 3-хонадонини бошқа бировга сотиб юборган, корхона мулки бўлган 1-миттитуман 23-А уйнинг 22-хонадонни эшигини бузиб кириб, айни пайтда ноқонуний яшаб келмоқда. Ушбу қонунбузарлик ҳолати ҳам вақти соати билан ўз ечимини топишига ишонамиз.

Мухбир мақоласи сўнггида корхонамизнинг яна икки ходими билан суҳбатлашгани ҳақида маълумот ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Чунки Отаёр Норимов ва Турдибек Алиев ҳам М.Исмоилова билан умуман мулоқот қилмаганини, ҳатто уни қўрмаганликларини ҳам айтишди.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда журналистнинг мажбуриятлари белгилаб берилган. Унга кўра, журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзи тайёрлаган материалларни тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши, ҳолис ахборот тақдим этиши, айбсизлик презумпцияси принципида амал қилиши белгилаб берилган. Муқаддас Исмоилова мазкур қонун билан танишмаган кўринади. Акс ҳолда, кўчада эшитганларини ёқ йўқ, бе йўқ оммавий ахборот воситаларига олиб чиқмасди. Мазни-мантисиз, маза-бемаза, ёлғон ва тухматларга асосланган хабарларни ёйиш одамларни ҳақиқатдан чағиритиши кундай равшан. Бугун бемаза қонуннинг уруғиди кўпайиб кетаётган ҳар хил веб-сайтлар бераётган ахборотларни қўриб ёқа ушлашсан. Уларни ким рўйхатдан ўтказаяпти, ким уларга лицензия бераяпти? Бу, албатта, мутасаддилар ҳуқмига ҳавола.

Қонуний асосда ҳолис ахборот тарқатишни мақсад қилган оммавий ахборот воситаси ҳеч қачон элнинг назаридан қолмайди. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ёлғон ахборот билан одамларни алдаш мушкул. Майли, “Nasafnews.uz” сайтнинг ходимлари шохшалоқлик, ҳуқуқий билимсизлик қилишибди. Аммо минглаб ўқувчиларига эга, кўп йиллардан буён чоп этиб келинаётган “Даракчи” тахририяти бу ёлғон ахборотни текшириб қўрмасдан, газетада чоп этгани бизни гоят ажаблантирди.

Корхонамизда 1400 дан ортиқ ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимлар ишлайди. Биз уларнинг меҳнат қилиши, дам олиш соатларини мазмуний ўтказиши ва саломатлигини тиклаши учун барча шароитларни яратишга интиламиз. Албатта, гуруҳ курмақсиз бўлмаганидек, орамизда тирноқ орасидан кир қидирувчилар ҳам, афсуски, топилади. Шундайларга фақат инсоф ва дибнат тилаймиз.

**Абдуаси НОРМУЎИНОВ,**  
“Талимаржон ИЭС” унитар корхонаси директори, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати

Мулоҳаза

# Оролни қутқариш мумкин, фақат...

## Ҳамюртимиз — 70 яшар Тожибой Юнусхўжаев бу борада ўз тақлифларини баён қилди

Евроосиёнинг Каспий денгизи, Шимолий Американинг Юқори қўли ва Африканинг Виктория атрофи қуруқлик билан ўралган энг улкан сув хавзалари сирасига кирди. Бир замонлар Орол ҳам қатталити жиҳатидан улардан кейин жаҳонда тўртинчи ўринда турадиган денгиз эди.

Ҳозирга келиб унинг 10 фойз қисмига сақланиб қолган, ҳолос. Давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳам Оролнинг қуриши ва бунинг оқибатида экологик тизимнинг издан чиқишидир. Тупроқнинг шўрланиши ва саҳролашиш жараёни узлуқсиз давом этапти, тоза сув тақчиллиги тобора кучаймоқда. Ҳаво ҳамда ер юзаси кум-туз бўронлари оқибатида ифлосланяпти, биологик хилма-хиллик камайиб кетаяпти. Шу сингари асоратларга барҳам беришнинг энг мақбул йўли денгизни сув билан қайта тўлдиршидир. Орол фожиасига бефарқ бўлмаган юрtdошларимиз бу борада турли тақлифларни илгари суришяпти.

Яқинда тахририятимизга келиб, ўзини Тожибой Юнусхўжаев деб таништирган юрtdошимиз 1982 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Сўнгра фаолияти аграр соҳа билан боғлиқ турли ташкилот-

ларда 30 йилдан зиёд меҳнат қилган. Хусусан, собиқ сув хўжалиги вазирлигига қарашли автотрестда кўп йиллар муҳандис бўлиб ишлаган. Бу йил етмиш ёшга тўлган ота-хонининг Орол денгизининг кейинги тақдири билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари кўпчилик учун қизиқарли бўлиши мумкин.

— Оролбўйидаги экологик муҳитни барқарорлаштириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кенг миқёсда ишлар амалга оширилляпти, айниқса, денгизнинг қуриган қисмида бутазорлар барпо қилинаётгани алоҳида эътирофга лойиқ, — дейди Тожибой ота. — Денгизнинг чўлга айланган қисми 5,5 миллион гектар бўлса, шундан 3,5 миллион республикамиз ҳудудига тўғри келади. Унинг 2 миллион гектари бутазорга айланишига эришсак, вазият анча яхшиланади. Жадал ҳаракат қилиниб, шўрланган замин яшиллик билан қопланса, 10-15 йил орасида туз тўфонлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилинишига эришишимиз мумкин. Лекин, фикримча, фақатгина бутазорлар билан юзага келган экологик муаммони тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Табиий мувозанатни илгариги ҳолатига қайтариш учун денгизни яна сув билан тўлдирши лозим.

Албатта, Тожибой отанинг бу фикрлари кўпчилик учун янгилик эмас. Қарийб ўттиз йилдан буён олимлар, мутахас-

сислар шу хусусда бонг уради. Оролни сув билан тўлдирши кераклиги беш қўлдек аён. Ҳамма гап суви қандай қилиб келтиришда. Бу борада турли-туман тақлифлар айтилган, айталяпти. Мисол учун, бир олим денгиз соҳилида баландлиги тўрт-беш метрли суний тоғлар тизмасини барпо этиб, унинг тепасида ҳосил бўладиган музликлар ҳисобидан денгизга сув беришни, яна бири эса Шимолий сув океанидан катта айбастларни олиб келишни, тагин бир олим булутларни Орол устига ҳайдаб келиб, тинимсиз ёмғир ёдирдишни тақлиф қилляпти.

Тожибой отанинг фикрича, шу сингари гоьларни амалга оширишга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймаслик зарур. Масалан, Орол устига ёмғир ёдириб тўғрисидаги фикрларни олиб қўрайлик. Мабодо, у рўёбга чиқарилса, денгиз тевароғидаги ҳудудлар чивилчар қайнаб-тошган ботқоқликларга айланмаслигига, ортиқча намгарчилик ерга, наботот ва ҳайвонот дунёсига қуроқчиликдан ҳам кўра каттароқ зиён етказмаслигига, иқлим тамомила бузилиб кетмаслигига ким кафолат бера олади?

— Оролни қутқариш бўйича анчадан буён ўйлаб юрган бир тақлифим бор, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Ўз вақтида шу масалада юқори идоралар

раҳбарларига ҳам учрашганман, лекин ҳеч қандай натижа бўлмаган. Энди мулоҳазаларимни газета орқали кенг жамоатчилик ҳуқмига ҳавола қилмоқчиман.

Тақлифим қуйидагича: Россиядаги Волга дарёсининг Ахтуба номли тармоғи бор. Волгадан ажралиб чиққан бу серсув дарё Каспий денгизига келиб қуйилади. Узунлиги 537 километр. Ана шу йирқи сув манбаидан Оролга қарата канал тортиб келиш керак, деб ўйлайман. Ахтуба қуриган денгиздан унча узоқ ҳам эмас. Каналнинг узунлиги тахминан 800 километрга тенг бўлади. Нишаблик бўлгани боис катта насос станциялари қуришга эҳтиёб тугилмайди, сув ўзи оқиб келаверади. Албатта, бир неча давлат раҳбари бу борада музокарапар олиб боришлари лозим бўлади. Менимча, мазкур лойиҳанинг бир қанча афзалликлари бор. Аввало, атроф-муҳит, табиатга ҳеч қандай зиён-захмат етмайди. Шунингдек, Каспий денгизига олиб чиқувчи сув йўлаги ҳосил бўлади. Юк ва бошқа турдаги кемалар қатновий йўлга қўйилади. Бу йўналишда туризм ҳам ривожланади, минглаб янги иш ўринлари вужудга келади. Умуман, каналнинг ишга тушиши иқтисодиётимиз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлади.

**Б. ИСРОИЛОВ**  
ёзиб олди.

Қарор ва ижро

# Мақсадимиз такрорий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар олдини олишдир

дейди Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Пробация хизмати бошлиғи, полковник Маҳамадали Исмоилов.

**Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний мафаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо улар орасида жиноят содир этилишининг олдини олиш, ахлоқан тузатиш бўйича профилактик ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш янада муҳим масала, шундай эмасми?**

қарорга биноан Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ва унинг куйи бўлинмалари ташкил этилди.

**– Бу янги тизим, янги ҳуқуқий термин бўлгани ва ўқувчиларимизга янада тушунарли бўлиши учун мазкур хизмат хусусида қисқача маълумот берсангиз.**

– Пробация – умумэтироф этилган халқаро термин ҳисобланиб, синов деган маънони англатади. Ривожланган хорижий давлатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш Пробация хизматлари зиммасига юклатилган.

Пробация хизмати судларнинг ҳукми ёки аҳрими билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар, яъни ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахслар томонидан жазоларни ижро этилишини таъминлайди.

Шу билан бирга қарорда белгилаб берилганидек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмагачларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни ҳам амалга оширади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари пробация бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида 2019 йил мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича мутасадди вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда "Йул харита"лари ишлаб чиқилган. Унга асосан ИИБ Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда назорат остидагиларни ахлоқан тарбиялаш ва уларга психологик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида ҳар ойда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.



Энг аввало жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган ва пробация бўлинмалари ҳисобига олинган шахслар билан психологлар суҳбатлашиб, келгусида улар томонидан такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадда зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Пробация бўлинмалари ҳодимларининг шаҳар жойларда 100 нафар ва туманларда 75 нафар назоратдаги шахсга 1 нафардан этиб белгилаши, энг аввало, профилактик ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунда ички ишлар органларида узоқ йиллар давомида хизмат қилган, катта амалий иш тажрибасига эга бўлган ва хизматдан салбий ҳолатларга кўра бўшатилмаган ички ишлар органларининг пенсионерлари, пенсияси тўлиқ миқдорда тўланиши сақланган ҳолда, пробация бўлинмалари ҳодимлари лавозимларига аттестациядан ўтган лавозим ҳисобидан тайинланиши мумкин.

**– Назоратдаги шахсларнинг қайта жиноят содир этмаслигининг муҳим омилларидан бири уларнинг бандлигини таъминлашдир. Иш билан таъминланган инсон тўғри турмуш тарзига риоя этади, ёмон ўй-хаёллардан йироқ бўлади ва энг муҳими, оила иқтисодига ўз ҳиссасини қўшгач, кўнгли хотиржам тортади.**

– Жорий йилнинг 1 февралига қадар бўлимларимиз ҳодимлари назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича 204 мартаба меҳнат ярмаркалари ташкил этишди. Натижада уларнинг 251 нафари ишга жойлаштирилди, 497 нафарига

ишга йўлланма берилди.

Муайян касбга эга бўлмаган ва пробация бўлинмалари ҳисобига олинган шахслар билан психологлар суҳбатлашиб, келгусида улар томонидан такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадда зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Пробация хизмати ҳисобидан турган назорат остидаги шахслар билан ўтказилган мунтазам учрашув ва давра суҳбатларида 8 165 нафар фуқарога турли йўналишларда ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 4 169 нафарига жазони ўташ йўналишлари бўйича, 2 216 нафарига ишга жойлашишда, 469 нафарига соғлигини тиклаш, 225 нафарига шартнома тузишда, 32 нафарига уй-жой билан таъминлашишда, 31 нафарига ўқишга киришига, 599 нафарига моддий ёрдам олиш, 47 нафарига маиший масалаларда, 28 нафарига истеъмол кредитлар олишда ва 349 нафарига бошқа масалаларда кўмак берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, илғор хорижий тажрибага асосланган пробация хизмати фаолиятини йўлга қўйилишидан асосий мақсад жиноят содир этган шахслар билан тарбиявий ишларни узвий давомийлиги ва яхлитлигини таъминлаш орқали такрорий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни олдини олишдан иборатдир.


**"XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.**

"XXI asr" жавоб беради

## Меросхўрликка ҳаққим борми?

Отам вафот этганидан кейин 2003 йилда укам отамдан қолган, мерос мулки бўлган уйни қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олган ва 2015 йилда уйни бошқа фуқарога сотган. Мен укам уйда яшаб келаятгани сабабли эътироз билдирмаган эдим. Бугунги кунда ўз улушимни талаб қилсам бўладими?

Ш. Абдиев, Жиззах шаҳри




Сиз укамнинг томонидан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олинганидан хабардор бўла туриб мерос улушингизни талаб қилмагансиз ва Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган уч йиллик умумий даъво муддатини ўтказиб юборгансиз. Шунинг учун ҳам мерос улушингизни талаб қилиб даъво кўзгатишингиз фойдасиз.

## Давлат божи қанча?

Фуқаролик судларида никоҳни бекор қилиш учун даъво ариза берилган вақтда қанча миқдорда давлат божи ундирилади?

Н. Ҳотамов, Бектемир тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари" ҳақидаги қарорига мувофиқ, никоҳни бекор қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари (405 460 сўм) миқдорда давлат божи ва Олий суд Раёсатининг 2018 йил 25 октябрдаги қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 7 фоизи (14 200 сўм) миқдорда почта харажати ундирилади.



## Васият қилинган автомашина сотиб юборилган бўлса...

Отам васиятномасида ўзининг "Матиз" русумли автомашинасини менга, "Дамас"ни эса ўзининг иккинчи турмушидан бўлган қизи – синглимга қолдиришни кўрсатган. Мен бошқа давлатга ишлаш учун кетиб, яқинда келдим ва отамнинг вафот этганини, мерос очилганини билдим. Лекин менга маълум бўлишича, отам вафотидан бироз олдин "Матиз"ни сотиб юборган экан. Нотариусча мурожаат этсам, у васият қилинган машина мавжуд эмаслиги сабабли уни мерос тариқасида қабул қилолмаслигини айтди. Шундай бўлиши мумкинми?

Ахир отам автомашинани аввал менга васият қилиб, кейинчалик сотган-ку? А. Бердиев, Когон тумани

Бу масалада судга мурожаат қилишингиз бефойда. Чунки васиятнома тузилган пайтда автомашина мавжуд бўлса-да, мерос очилган пайтда у мавжуд бўлмаган. Шу боис ушбу автомашина мерос тартибига кирмайди.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра отангиз ўз мулкига (шу жумладан васиятномада кўрсатилган автомашинага нисбатан) ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, васиятномада маълум мулкнинг кўрсатилиши унинг ушбу ҳуқуқларини бирон бир тарзда чекламайди. Васиятнома тузган шахс унда кўрсатилган ҳар қандай мулкни эркин тасарруф қилиши ҳуқуқига эга.

Сиз васиятномада кўрсатилмаган ме-



рос мулки мавжуд бўлган ҳолдагина ундан қонун бўйича ўз улушингизни олишингиз мумкин.

Олий суд матбуот хизмати ходими Ақром АРИПОВ жавоб берди.

## Санъат аҳлига туҳфа

Бухоро шаҳрининг Нақшбандий кўчасида жойлашган уч қаватли бино реконструкция қилиниб, шу кунларда – Наврўз байрами арафасида маданият ва санъат соҳаси ва-қилларига топширилди.

Капитал таъмирланишига 2,5 миллиард сўм сарфланган ушбу мажмуада эндиликда Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат филармонияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси, композиторлар ва бастакорлар уюшмасининг вилоят бўлимлари, шунингдек, "Мақом" ансамбли, "Хотира" маркази ва бошқа кўпгина ташкилотлар фаолият юритади.

Этиборлиси, Маданият бошқармасининг шу ердаги

овоз ёзиш студияси энг замонавий техник ускуналар билан жиҳозланган. Студияда вилоят, шаҳар ва туман миқёсида ўтказиладиган театрлаштирилган байрам томошалари, фестиваллар ва бошқа кўнгул-очар тадбирларнинг фонограммалари, шунингдек, таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг аудиоальбомлари тайёрланади.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

## Бунёдкорларнинг фидойи хизмати

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда бунёдкорликнинг ўрни беқиёс. Қачонки, давр нафаси уфураётган ўзгаришларни ёнверингда росткамага ҳис қилсанг, иштирокчиси бўлсанг эртанги кунга ишонч ўз-ўзидан юксалиб бораверади.

Ўтган йил урганчликлар учун худди шундай йил бўлди, десак муболаға қилмаймиз. Кўркам шифоҳоналар, зиё масканлари-ю намунавий лойиҳалар асосида қад кўтарган уй-жойлар эндиликда қад кўтарган кўрк қўшиб турибди. Азамат бинокорлар эса ана шу кўтаринкиликни асло пасайтирилари йўқ. Янги йил бошидан энг шимариб янги лойиҳаларга қўл уришпти. Келинг, булар ҳақида бир бошдан сўзласак.

Аввало, Президентимизнинг 2017 йил 30 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари учун уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳарбий хизматчилар учун Урганч шаҳрида 5 қаватли 30 хонадонли уй қурилиб, эгаларига топширилди. Ушбу турар жой "Саёд қурилиш сервис" хусусий корхонаси қурувчилари меҳнати эвазига бар-



по этилди. Шунингдек, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги хизматчилари учун ҳам 30 хонадонли кўп қаватли тураржой бунёд қилинди. Бу ерда "Қармиш қурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг маҳоратли ишчилари тер тўкишди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Урганч тумани Шодлик маҳалла-

сида 160 ўринли мактабга таълим муассасаси қад кўтарди. Қиймати 4 миллиард 800 миллион сўмлик мазкур лойиҳани амалга ошириш "Сухроб дизайн қурувчи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси зиммасига тушди.

Бундан ташқари, Чаккашликор маҳалласидаги 22-мактабга таълим муассасаси Хурсанд Жуманазаров раҳбарлигидаги "Уйғур қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа фурсатда реконструкция қилинди.

Жорий йилдаги режалар ҳақида гапирадиган бўлсак, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида тиббиёт масканлари ҳам барпо этилиши кўзда тутилмоқда. Чунки Урганч шаҳридаги марказий шифохонада 90 ўринли, 3 қаватдан иборат тугруқхона мажмуаси қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Ушбу 15 миллиард 756 миллион сўмлик йирик лойиҳани амалиётга татбиқ этишда Мансур Маҳмудов етакчи-



лигидаги "Хоразм гранит" хусусий корхонаси жамоаси астойдил фидойиллик кўрсатмоқда. Айна пайтда иш юритувчи Баҳром Раҳимов бошчилигидаги 40 нафар қурувчилар бригадаси бинонинг биринчи қава-тида гишт териш ишларини яқунлаб, қурилиш-монтаж ишларини олиб боришмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Баҳор келди дегунча сумалак сайли билан боғлиқ болаликдаги хотиралар кунгилни ўртаб юборади-да... Бир ҳовлида сумалак пиширилса, бутун қишлоқ аҳли жамулжам бўлади. Айтилса-айтилмас, "Фалончиникида эртага сумалак", деб эшитаан борки, керакли асбоб-анжомини қўлга олиб, "чошга барака"лаб бемалол кириб бораверарди. Оиламизда бир эмас, икки кампир – буюм ва момом (буюмининг опалари, у киши ёлғизликлари туфайли бизникида яшарди) бўлгани боис оиламизда бу муқаддас таомни ҳар йили пишириш анъанага айланиб қолганди. "Савобдан бебаҳра қолмайлик, бизнинг ҳам қўлимиз теғсин", деб икки кампир ҳам ишга шўнгиб кетарди. Ёш жувонларнинг хижолат тортиб қаршилик қилиши бефоида эди.

– Эҳ, болажонларим-а, – аввал кўзига ёш олиб гапга тушиб кетарди момом, – биз авваллари сумалакни қанчалар кутганимизни тасаввур ҳам қилолмайсизлар, – сўнг чинакамга йилгаша тушардилар. Буюм ҳам бунга қўшилса, биргаликда ҳовурлари босилгунча тўйиб-тўйиб йилгаб олардилар-да, сўнгга залма-галдан ҳижоляларини бошлардилар.

– Очарчилик, қимматчилик йиллари бошимизга не не тошлар ёғмади, қандоқ кунларни кўрмадик. Бундай ёруғ кунларга етишимиз тушимизга ҳам кирмаган. Уруш одамларнинг ёстигини ҳам, ризқини ҳам қуритганди. Рўзгорда бирорта туюқдан ном-нишон йўқ, ҳаммасини фронтга жўналгандик. Қолгани қорин га-

мида сотилиб кетганди. Уйда битта сигири борлар бадавлат саналарди, болаларининг оғзи сут-қатиққа тегиб турарди-да. Хуллас, очарчилик кучайгандан кучайиб, ёйишга ҳеч вақо йўқ. Бир-икки сиқим бугдой ё қотган нон топсақ, болаларга иллардик Шулар ўтмасин, шулар яшасин, дердик. Ўзимиз эса очликдан кечалари ухлолмай чиқардик. Тун ҳам бирам узоқ бўлардики, зўрга тонг оттирардик. Тагин саҳармардонлаб ёш боламизни оличлаб, далага ишлашга чиқиб кетардик. Ер чопайтиб, бирор донга бугдой, арпа ё егулик нам илдиэ чиқармикан, деб ерга қуйдек термулардик. Қанча одамлар очликка чидалмай, яна қанчаси кунжара еб ишиб, ўлиб кетишди. Уз тўққан боласини шложисизликдан бир қоп бугдойга алмашиб ёки бойларнинг эшигига хизматкорликка бераанлар ҳам бўлди, айланайлар. Айниқса, қишининг ўтиши қийин эди. Ҳам совуқ, ҳам очлик. "Эй, художон, оч бўлсақ ҳам, қолун бўлсақ ҳам майли, фақат жонимизни соғ-омон қилсанг бўлди. Бу йилги баҳорни ҳам кўрайлик, "илик узилди"дан узилмай чиқайлик", деб зор-зор йилгаб илтижо қилардик.

– Нимага айнан баҳорни? – сўрайди аёллардан бири. – Аҳ, болам-а, – чуқур тин олиб ҳикоясида давом этади буюм ҳали ҳам ўтган кунлар азобида йилгаётган опаларига (улар уруш туфайли ҳам эрлари, ҳам икки ўғилларидан жудо бўлганлар) қараб кўйиб. – Сизлар учун баҳор оддий бир фасл, холос. Биз учун эса чинакам Янги йил, яна бир йил бўлса ҳам ишаб қолиш учун имконият эди. Чунки Баҳор бизни роса сиёлар-

ди-да. Янги чиққан майсами, бойчекан ё бинафша борми, чўккалаб пешонасидан ўпардик, йилгаб-йилгаб кўзимизга суртардик. Шу кунларга етказганига шукр, деб Яратганга ҳамду санолар айттардик. Кўча-кўйда бир-биримизни йилбоши билан табриқлардик. Кейин ана шу кўкатлар – исмалоқ, ялпиз, қоқиғул, йўнғичқа, момақаймоқларни мазага қилиб гачир-гучир чайнаб, қорнимизни тўйгазардик. Ёки оддий сувда қайнатиб тановул қилардик. Булар тугагач, бошқа ўт ёки илдиэларни қовлаб тамадди қилардик. Ана шунақа, болажонларим. Биламан, бу гаплар сизларга гўё эртандек, қандай тановул қилишган экан, деб оғзиларини мазаси қочапти. Лекин биз учун энг тансиқ таомлар эди... Яна бир сирни айтиб қўяй – умрни узайтиришда бу кўкатларнинг фойдаси катта.

– Хафа бўлманлар-у, хозир исрофгарчилик кўп, – ўзини тутиб олиб гапга қўшилади момом. – Дастур-хонда ушатишган нон бўлса ҳам, сал қотибди, деб бутунини синдирасиз. Овқатга масаллиқни ўлчамай солиб, сўнг ортаган овқатни чинқиндига тўкасиз. Тўйларни-ку гапирмасаям бўлади. Уз ота-оналарини



Меҳмон қилиш тугул, бир коса овқат ичинмайди-ю, лекин беш беона меҳмонларни алоҳида тақлиф қилиб, уч-тўрт хил тансиқ таом улашадиганлар ҳам бор. Ахир яқинлариниғизни тириклигида қадрламасангиз, эрта-индин бу дунёдан ўтиб кетишгач, дод-вой қилсангиз ҳам, кеч бўлади, кеч...

# Баҳорга етганлар омон бўлсинлар!

## Дийдор сайли

Гиналар узоқ чўзилишини билиб буюм силлиқлашга тушади:

– Шунча гапни гапиримиз-у, сумалак ҳақидагиси қолиб кетибди. Ёзда қолхознинг хирмони йиғиб олинган, ерга тўкилиб қолган бошоқларни териб, шундан бир коса бугдойни "кўрмадик"ка олиб, кўзага солиб бирор қуруқ жойга яшириб қўядик, баҳорга эсон-омон етсак, сумалак пиширамиз, деб. Ёйишга ҳеч вақомиз қолмаганда ҳам унга тегмасдик. Сумалакка етган, уни тайёрлашга қўли теккан энг бахтли инсон саналарди. Сумалак сайли – дийдор сайли, аслида.

– Ҳой, келин, ҳаммани айтдингми сумалакка? – тўсатдан момом сергак тортади. – Ҳеч ким қолиб кетмасин, тагин. Бу кунда бировни оқ, бировни қора деб ақратиб бўлмайди. Чунки бугун осмондан фаришталар тушиб, бизни томоша қилиб, ҳар биримизга савоблар ёзади. Камида етти қўшни айтилиши керак. Ҳатто касал ётганини ҳам йўқлаб, "Наврўз муборак, баҳорни кўрдингизми, демак, тузалиб кетиб, узоқ ашайсиз энди", дея кўнглини олиш керак. Бу таом беморга ҳеч қандай дори-уқол беролмайдиган давони, дармонни беради. Илгарилари юз кўрмас кундошлар ҳам сумалак сайлига бир-бирини тақлиф қилишган.

Масаллиқлар дошқозонга солинар маҳал ҳовлимиз янаям гавжум бўлиб кетарди. Бир томонда кўм-кўк майсага тўшалган гиламча устига ёзилган дастурхон кўк сомса, кўк чучвара, устига кўкат майдалаб сепилган қайлали ош, яна ҳар ким илиниб олиб келган неъматлар билан тўла. Бир тарафда ош учун ҳозирлик кўриляпти. Икки кампир қонун-қоидаси бўйича қайта-қайта дуолар ўқиб, қозонга масаллиқни солади-да, жувонларга ул-булни ўргатиб

кўрпачага чўккалайди. Кўк сомсаларни тагин кўза суртиб, сўнг тановул қилишади. Биз ёш қизчалар бунинг маъносига тушунмай, "Буви-жон, кўзингиз ёғ бўлди-ку", деб кулардик. Бунга жавобан: "Ёғ бўлса бўлсин, ёш бўлмасин", дейишарди. Сўн ҳар йили сумалак сайлида айтиладиган хиргойини бошлардилар:

**Дошқозонда сумалак, Биқир-биқир қайнайди. Унга қараб кўзларим, Баҳри дилим яйрайди.**

**Наврўзжонга етолмай, Ўлиб кетган отам-а. Сумалакни ёёлмай, Ўлиб кетган онам-а. Ўлиб кетган болам-а, болам-а, болам-а...**

Эрта саҳаргача ўйин-кулги, хангома авжига чиқарди. Буюм айтганидек, баҳордан бир-биридан аразлашганлар ярашиб олишарди. Ўтган гина-қудуратлар унутилар, қўшнилар эса опа-сингилдек қадрдон бўлиб қолишарди. Оёгини сал нотўғри босган, ё босар-тусарини унутиб қўйган айрим жувонлар шу кун қизаришиб, кейин негадир тўғри йўлга тушиб кетарди. Сумалакнинг хосияти, улуглиги шу бўлса керак, деб ўйлайман. Бу таом кўп вақт, яъни камида ўн икки соат қайнашида ҳам бир ҳикмат яширин. Бир қозон атрофидан шунча вақт бирга бўлиш бегона кишиларни ҳам яқинлаштиради-да!

Эрталаб момолар сумалакни сузишни бошлаб бергач, аввал беморларнинг уйларига, сўнг келганларга тенг миқдорда улашларди. Ҳақиқатан ҳам, сумалак пишириш аразлар унутилмаган, инсонлар қадрланадиган чинакам згулик сайлига айланиб кетарди.

## Бемехр қўшнилар

Қишлоққа борганимда, келолмаганларга улашгин, савоб бўлади, деб сумалак бериб юборишувди. Тарқатдим. Озроқ қолганди, талабаликдан қадрдон, сумалаксевар опамга илиниб йўлга тушдим. Кўнғироқ жиринглаши билан гул-гул очилиб эшик очадиган Турсуной опа негадир ҳаяллади. Яна тугмачани босдим. Жим. Шу вақт қўшни аёл чиқиб: "Турсуной опа йўқ, тунов кунни тез ёрдам машинаси олиб кетди. Тоби қочдимми, дейман... Ҳа-я, эри эрталаб мана бу манзилни ташлаб кетганди. Касалхонаники, шекилли", деди. Ён қўшини тусмоллаши гашимин келтириб, манзилни олдим-у, йўлга тушдим. "Тоби йўқми, дейман, касалхонада, шекилли", эмиш. (Аслида девордармиён қўшнилар опа-сингилдек яқин бўлишлари керак эмасми? Мана бундай кунларда узоқдаги жигарингдан, ёнингидан қўшнинг кунингга яраса бўлмайди. Эҳ, оқибатсизлик қурсин-а.)

...Ота-онасининг яққаю яғона фарзанди бўлган Турсуной опага исмининг қўйилиши ҳам бежиз бўлмаган. Болаларидан бири ўлик туғилиб, икки нафари эса ёшига ҳам етмай вафот этаверган она Турсуной опага ҳомила-дорлигида: "Агар шуни эсон-омон турсам, исмини Турсунбой ё Турсуной қўяман ва ўлмасам умримнинг охиригача ҳар йили қўй сўйиб, сумалак пишириб, элга тарқатаман", деб ният қилди. Бахтига, у соғ-омон улғайибди, оилада ҳар йили сумалак пиширилаверибди. Афсуски, қизлари Турсунойни турмушга берган йили ота-она олдинма-кетин бандаликни бажо келтирибди. Қисқаси, Турсуной опа учун сумалак ҳаётининг маъмуни айланган. "Сумалакни кўрсам, ота-онами кўргандай бўламан", деб кўзига суртиб, йилгаб-йилгаб ейди. Тақдир-

ни қаранги, бу аёлга ҳам фарзандини қўлга олиш уч бора насиб этмади. Шифокорлар тўрт-беш йил бола кўрмай туринлар, деб маслаҳат бергач, эр-хотин бироз чалиғиш, ҳам малакали шифокорлар назоратида бўлиш учун Тошкентга кўчиб келишган, опа таваққалига ўқишга имтиҳон топириб талабага айланганди. Шу-шу, пойтахтда қолиб кетишган эди...

Турсуной опа жонлантириш бўлимида экан. Ранги бир аҳволда, илгари эътибор бермаган эканамми, қорни ҳам дўппайиб турибди. Демак...

Саволга тутмай, хурсанд қилишга уриндим: – Сумалак олиб келдим, патир ҳам, – дедим қулиб қўлимдаги тугунни баланд кўтарганча.

Шундай дейишимни биламан, Турсуной опа ўрнидан туриб кетди:

– Ростданми, қани?! – Мана, опажоним!

Сумалакни қўлга олиши билан, у киши хўнграб йилгаб юборди:

– Мана шуни деб шу аҳволга тушдим, – дея сумалак тўла қовани қидлашга тушди. – Бундан онажонимнинг хидлари келади. Бу йил менга насиб этмади онажонимнинг дийдори... Дилимга, жонимга озор беришди.

Баттар йилгаша тушди у яна. Унинг нима учун бундай деётганини на мен, на ҳамширалар тушунардик. Тинчлантирувчи уқол қилишгач, ухлаб қолди. Уйғониши билан яна сумалакни сўради. Бу сафар, ҳарқалай, йилламади.

– Иккиқат бўлганим учун эрим узоқ йўл деб бу йил Сурхонга юбормади. Сумалак қовлашгани, ейишни жуда соғингандим. Сумалакни кўрсам, онажонимни кўргандек бўламан.

– Ҳали кўп сумалаклар қовлайсиз, опажон, – дейман уни тинчлантиришга уришиб. – Бу ерда ҳам ҳар йили қилишади.

– Эй, қуриб кетсин, бу ернинг баргитош, бемехр қўни-қўшилариям, сумалагиям. Шунга ишониб қолгандим...

– Тинчликми, опа?! – сўрайман гапига тушунмай.

– Қўни-қўшилар яқшанбада сумалак пиширамиз, деб айтишганди. Бозорга тушдим-у, ул-бул олиб келдим. Бир кун қолганда, "Эртага сумалак, чиқинг", деб келади биров, дея икки кўзим эшиқда бўлди. Йўқ, эртаси эрталаб ҳам кутдим. "Ҳомиладор аёлни ташвишга қўймайлик, қозонга солиб бўлгач, гуруннга чақирамиз", деб кексалари унамагандир-да, айтиб қолишса, қуруқ чиқмай деб ҳаракатга тушдим. Пешингача бир тоғора кўк сомса, бир сирли челақ қатиқли ош қилдим, оҳорли уст-бошларимни кийдим, ўсма кўйиб, озгина пардоз ҳам қилдим. Ҳеч ким дараклайвермагач, "домком"га телефон қилдим: "Тушаверайми, опа, куттириб қўйдингизлар-ку", десам, "Сиз рўйхатда йўқсиз-да, қозонимиз кичикроқ бўлгани учун кўп йиллик эски қўшнилар йиғилишгандик. Бутун "дом"га қанчадан ҳам тегади. Тўйгулик бўлмайди-да", деса бўладими? Бошқа гапни эслолмайман, синглим. Қон босимим ошиб кетибди...

Дўхтирлар ўн кундан сўнг рухсат беришди. Машинадан тушиб, подёзга яқинлашарканмиз, биринчи қаватдаги хонадоннинг томорқасидаги жўмрақнинг тагига қўйилган сирли челақдан сумалак сувга қўшилиб оқиб ётарди. Уйдан бир аёл чиқиб келиб, сувни яна кўпроқ очди. Турсуной опанинг айтишича, "домком" шу экан. Қўшнисининг касалхонадан қайтаётганидан хабари йўқ, шекилли, бош ирғаб шунчаки сўрашган бўлди-да, ўзича гапирга кетди: "Эсиз-эсиз, чала пишганми, "дом"ни ҳавосиданми, шунча сумалак ачиб қолибди-я".

Бировга берсам – эсиз ошим, уйда турса – сасир ошим, деб бежиз айтмаган халқимиз. Қолаверса, пишган сумалак қирқ йилда ҳам ачимас экан. Янаям, ким билади дейсиз?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

# “Construction solutions”

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган яшариш, уйғониш фасли баҳорнинг энг улуг айёми

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Сизларга бахту иқбол, сиҳат-саломатлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Мамлакатимиз истиқболи ва тараққиёти йўлида олиб бораётган фидойи хизматингиз самарали бўлмоғини тилаймиз.

Наврўзингиз муборак бўлсин!

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси 5-уй.  
Мурожаат учун телефонлар: (71) 290-71-95, (90) 909-65-54.

**MUASSIS:**  
TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**ITIMOIY-SIVOSIY GAZETA**  
HAFTALIK NASHR

Бoш муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ	Аҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ	Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК
Мавлуда ХУҲАЕВА	Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ	Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бoш муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz

Телефонлар:  
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс),  
Котибият – 71 281-40-17  
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Маълумот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июлда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 358 Тираж: 5045  
Баҳоси келишилган нархда.  
ЎзА якуни – 23:15  
Тошпирилди – 00:30

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

**Маъруфжон Раҳмонов**  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
12 4 5 6

Навбатчи муҳаррирлар:  
Олақ РАҲАБОВ, Элбек ШОЙИМКУЛОВ.